

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент 2020

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрь № 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ЎзМУ, “Фалсафа ва мантик” кафедраси профессорлари в.б., ф.ф.н. Д.Файзиходжаева, ЎзМУ, “Фалсафа ва мантик” кафедраси доценти в.б. PhD Х.Тошов

Тақризчилар: ЎзМУ, “Фалсафа ва мантик” кафедраси мудири профессори, ф.ф.д. Ш.Мадаева, ТДИУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири профессори, ф.ф.д. А.Мухторов.

Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3-сонли баённомаси)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	37
V. ГЛОССАРИЙ	78
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий

услуглари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: “Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси” модулининг мақсади педагог кадрларни Мантиқий тафаккур фанларига боғлиқ методикаларни шакллантириш ҳақидаги билимларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини методик ташкил этишнинг замонавий усулларида самарали фойдаланишга доир амалий тавсияларни беришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанлари бўйича ўқув жараёнини техник ва технологик таъминлашга оид назарий билимлар бериш;
- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанларининг ижтимоий-маънавий тараққиёт учун заруриятига доир илмий масалаларни таҳлил қилиш;
- етук ва малакали кадрларни тайёрлашда Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанларининг амалий аҳамиятини ёритиш;
- ижтимоий-гуманитар фанларнинг умумназарий масалаларини

Мантикий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанлари билан узвийлигини таъминлашга қаратилган методик асосларини ишлаб чиқиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Мантикий тафаккурнинг шакллантириш методикаси” модули бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

- фалсафа муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;
- мантикий тафаккурни шакллантириш методикаси ҳамда унинг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамиятини;
- мантикий тафаккурни шакллантириш методикаси фанининг асосий тушунчалари, меъёрлари ва тамойилларини;
- педагогик фаолияти соҳасида мантикий тафаккурни шакллантириш методикаси тамойиллари ва қонуниятларини;
- маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларини **билиши** керак.
- дарсни самарали ташкил этиш, ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш;
- миллий ва умуминсоний мантикий тафаккурни шакллантириш маданиятнинг анъанавий ва замонавий асосларини фарқлаш;
- педагогик фаолият соҳасида мантикий тафаккурни шакллантириш методикаси амалий аҳамиятига доир ишланмаларни тайёрлаш;

- жамият маънавий ҳаёти ҳамда инсонлараро муносабатларни замонавий муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни таҳлил қилишга илмий ёндашиш *қўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- мантиқий тафаккурни шакллантириш методикаси ҳамда унинг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамиятини;

- миллий ва умуминсоний қадриятлардаги инъикоси, воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлишнинг замонавий кўринишларини;

- дарсни самарали ташкил этиш, ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш;

- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;

- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси фанининг инсонинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;

- Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар

билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мантиқий тафаккурнинг шакллантириш методикаси” модули ўқув режадаги “Педагогнинг касбий профессионалигини ошириш” ва мутахассислик фанлари блокадаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мантиқни ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг замонавий методларини ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, мантиқ фанининг назарий ва амалий жиҳатларини узвий боғлаш, уларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулот
1.	Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти. Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.	2	2	2	
2.	Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти.	2	2	2	
3.	Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси.	2	2	4	
4.	Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси.	2	2	4	
	Жами:	20	8	12	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-назарий машғулот. Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти. Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти. (2 соат).

1.1. Формал мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан сифатида.

1.2. Тафаккур шакли тушунчаси. Тафаккурнинг шакллари: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш.

1.3. Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари: фикрнинг аниқ маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, етарли асосга эга бўлиши.

1.4. Тафаккур қонунларининг мазмуни ва ўзаро алоқаси. Айният қонуни. Учинчиси мустасно қонуни. Етарли асос қонуни.

1.5. *Тилнинг умумий мантиқий таҳлили. Тил ахборот (информация) белгилари системаси сифатида. Тилнинг функциялари. Белги тушунчаси. Белгиларнинг асосий турлари. Тил ифодаларининг ашъвий мазмуни ва маъноси.*

2-назарий машғулот. Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти. (2 соат).

2.1. Формал мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан сифатида.

2.2. Тафаккур қонуни тушунчаси.

2.3. Тафаккур қонунлари тўғри фикр юритишнинг принциплари сифатида.

2.4. *Фикрнинг чинлиги ва шакл жиҳатидан тўғри қурилиши.*

3-назарий машғулот. Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. (2 соат).

3.1. Аргументлаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши. Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси.

3.2. Ишонч- эътиқоднинг типлари. Исботлаш тушунчаси. Исботлашнинг тузилиши: тезис, асослар (аргументлар), демонстрация (исботлаш усули)

3.3. Исботлаш турлари: бевосита исботлаш ва билвосита исботлаш, рад этиш.

3.4. *Асосларни танқид қилиш ва рад этиш. Исботлаш усулини танқидий анализ қилиш. Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларни бузганда келиб чиқадиган хатолар.*

3.4. *Паралогизм ва софизмлар. Мантиқий парадокс.*

4-назарий машғулот. Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси. (2 соат).

4.1. Мантиқий таҳлил ва унинг структураси. Мантиқий боғлиқлик.

4.2. Фалсафа тарихида мутлоқ ишончли билимларнинг қидирилиши.

4.3. Муаммо билмасликдан билишга, тусмол билимлардан ишончли билимларга ўтишнинг мантиқий воситаси сифатида.

4.4. *Муаммонинг шаклланиши. Муаммони қўйиш ва билиш вазифасини аниқлаш. Назарий муаммо, савол ва масаланинг ўзаро диалектик алоқадорлиги.*

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти. Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти (2 соат).

2-амалий машғулот. Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шарти. (2 соат).

3-амалий машғулот. Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси. (4 соат).

4-амалий машғулот. Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси. (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим (БББ)” методи

Методнинг мақсади: талабаларни мустақил фикрлашга ундайди

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ўқитувчи доскани уч қисмга ажратади.
2. 1-қисмга “Биламан”, 2-қисмга “Билмайман”, 3-қисмга “Билиб олдим” деб ёзади.
3. Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилиб, “Этика ва эстетика категориялари ҳақида ким нималар билади?” деб сўрайди.
4. Талабаларнинг фикрларини “Биламан” устунига ёзади.
5. Талабалар ўз фикрини айтиб бўлгандан сўнг ўқувчиларга этика категориялари ҳақида яна нималарни билишни хоҳлашларини сўрайди.
6. Ўқувчиларнинг саволларини досканинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзади.
7. Талабаларнинг саволлари тугаганидан кейин ўқитувчи этика категориялари ҳақида маълумотлар ёзилган, олдиндан тайёрланган матнларни талабаларга тарқатади.
8. Талабалар матн билан танишадилар ва янги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар.
9. Ўқитувчи талабалардан этика категориялари ҳақида яна қандай янги маълумотларга эга бўлганликларини сўрайди ва “Билиб олдим” устунига ёзади.
10. Ўқитувчи уччала устунни умумлаштиради ва талабалар билан биргаликда хулоса қилади.

Намуна: Гўзаллик тушунчасининг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?

Биламан	Билмайман	Билиб олдим

Блум таксономиясига асосланган ҳолда Когнитив (билишга оид) соҳадаги “Таҳлил” ўқув мақсадини амалга ошириш учун қўлланиладиган метод

Методнинг мақсади: талабалардаўқилган материални эслаб қолиш, мазмунига қараб туркумлаш, тушунчаларни тизимга солиш кўникмасини пайдо қилади. Шунингдек, талаба фанда қўлланиладиган тушунчалар, тамойиллар, меъёрлар ва ўзига хос сифатларини туркумлашни билади.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади.
2. Ўқитувчи Кириш сўзидадарснинг мавзуси, мақсади ва ўтказиш тартиби билан талабаларни таништиради.
3. Талабалар 5 та гуруҳга бўлинадилар.
4. Гуруҳларга 2 тадан савол ёзилган қоғозлар тарқатилади.
5. Талабалар қоғоздаги саволларга ўз жавобларини берадилар.
6. Бошқа гуруҳ аъзолари қўшимча фикр ёрдамида жавобни тўлдиришлари мумкин.
7. Барча саволларга жавоблар бериб бўлингач ўқитувчи мавзу бўйича якуний хулоса қилади.
8. Гуруҳларга қўйган баҳоларини эълон қилади.
9. Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди.

Намуна:

1-гуруҳга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг амалий аҳамиятини шарҳлаб беринг? 2-савол: Этика (ёки) эстетика) фанининг глобал муаммолари ҳақида фикр билдиринг?

2-гуруҳга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг асосий мезоний тушунчаларини ҳаётий мисоллар ёрдамида асосланг? 2-савол. Этика (ёки эстетика) фанининг шахс камолотидаги ўрнини тушунтиринг?

Намуна: *Топшириқ №1. Қуйидаги тушунчаларни жадвалдаги йўналишга мос тарзда ажратинг?* Ғайриинсонийлик Ватанпарварлик Нафрат Ватанфурушлик Муҳаббат Адолатсиз Эркпарварлик Эзгулик Миллатпарварлик Лоқайдлик Адолат Ёвузлик Шафқат Бурч Шафқатсиз Лоқайд Инсонпарварлик Куллик Миллатчилик Фидойилик

Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари)	Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари) зидди	Этиканинг тамойиллари	Этика тамойилларининг зидди

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

ТАФАККУР — МАНТИҚ ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ. МАНТИҚ ФАНИНИНГ ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИНИ ЎСТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.

Келиб чиқишига кўра арабча бўлган “мантиқ” (грекча—logos) атамаси «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларга эга. Унинг кўпмаънолиги турли хил нарсаларни ифода қилишда ўз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини (масалан, «субъектив мантиқ» иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» ҳам арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миёсида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охириги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни кўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини ҳиссий билиш – инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиши ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Ҳиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари каторига қуйидагилар киради:

Биринчидан, ҳиссий билиш объектнинг (предметнинг ёки унинг

бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироғи, унинг сезги органларига) бевосита таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет–сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, ҳиссий билиш шакллари: сезги, идрок ва тасаввур предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, ҳиссий билиш шакли предметнинг яққол образидан иборат.

Тўртинчидан, ҳиссий билиш конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади. Усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон ташқи олам билан ўзининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талқин қилиш йўли билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг объектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, ҳиссий билиш, умуман олганда, ақл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жинойтчининг портрети (компьютер ёрдамида фотороботи яратилади яққол ҳис қилинади ва қидирилади).

Лекин, шунга қарамасдан, ҳиссий билиш ўз имкониятлари чегарасига эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар тўплами), уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан, муз билан ҳавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча *ratio* – ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Тафаккурда воқелик мавҳумлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан

белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос индивидуал белгиларни (хулқ-атвор, темперамент, қизиқиш ва шу кабилар) эътибордан четда қолдирган ҳолда, улар учун умумий, муҳим белгиларни, масалан, онгга эга бўлиш, мақсадга мувофиқ ҳолда меҳнат қилиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби хислатларни ажратиб олиб, «инсон» тушунчасини ҳосил қилиш мумкин. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатларни, боғланиш усулларини ўрнатишни тақозо этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва муҳим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган қонуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, юқорида келтирилган «инсон» тушунчасида барча кишилар битта мантиқий синфга бирлаштирилиб, улар ўртасидаги муҳим боғланишлар (масалан, ижтимоий муносабатлар) билиб олинади.

2. Тафаккур борлиқни нафақат бевосита, балки билвосита тарзда ҳам акс эттира олади. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилиши мумкин. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, боланинг хулқ-атвориغا қараб унинг қандай муҳитда тарбия олганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хулосавий фикр ҳосил қилишда аниқ намоён бўлади.

3. Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятдан иборат. Унда билиш жараёни борлиқда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар – юқори даражада идеаллашган объектлар (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар)ни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4. Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар

тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида ўзининг майдонига, аҳолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. “Миллий ғоя” тушунчасида эса миллатнинг, халқнинг келажак билан боғлиқ орзу-хаваслари, мақсадлари, туб манфаатлари ифода этилади. Мазмун жиҳатидан турли хил бўлган бу тушунчалар мантикий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган. Хусусан, «ўз майдонига эгаллиги», «аҳолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларининг бор эканлиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Худди шунингдек, «миллатнинг орзу-хаваслари, мақсадларини акс эттириши», «унинг туб манфаатларини ифода этиши» миллий ғоянинг муҳим белгиларидир. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., n билан белгиласак, тушунчанинг мантикий структурасини А (а, в, с,..., n) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан, «Юксак маънавият-енгилмас куч» деган ҳукмда предмет (юксак маънавият) билан унинг хоссаси (енгилмас куч) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқ билан узвий алоқада» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайд этилган, яъни P нинг S га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантикий структурасини (шаклини) S—P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин. Масалан,

“Дарахт – ўсимлик”.

“Терак – дарахт”.

Демак, “Терак – ўсимлик”.

ёки

“Ҳар бир кимёвий элемент ўз атом оғирлигига эга”.

“Мис – кимёвий элемент”.

Демак, “Мис ўз атом оғирлигига эга” кабилар.

Бу хулоса чиқариш ҳоллари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантикий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани

ташқил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда – «дарахт», иккинчи мисолда – «кимёвий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шакли фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгаллиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари, унинг асосий структуравий элементлари ҳисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя ва шу кабилар)да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари қаторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри қурилиши киради. Чин фикр ўзи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр ҳисобланади (масалан, «темир – металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрдир (масалан, «темир – металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шarti бўлса-да, ўз ҳолича етарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараёнида формал жиҳатдан тўғри қурилган ҳам бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хил мантиқий структураларда содир бўладиган ҳар хил мантиқий амалларда ўз аксини топади.

ТАФАККУР ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ – БИЛИШДА ҲАҚИҚАТГА ЭРИШИШ ШАРТИ.

Фикрни тўғри қуришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин. **Тафаккур қонуни** муҳокама юритиш жараёнида қатнашаётган фикрлар (фикрлаш элементлари) ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардан иборат. Тафаккур қонунлари мазмунидан келиб чиқадиган, муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар фикрнинг аниқ, изчил, етарли даражада асосланган бўлишидан иборат.

Муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ талаблар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилишига эътибор бериш зарур. Мазкур қоидаларнинг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда, хусусан, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, «Қонун – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат», «Буйруқ – қонун эмас», демак, «Буйруқ – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжат эмас»)

ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар – кимёвий элементлар», «Темир – моддий жисм», демак, «Темир – кимёвий элемент») мумкин.

Тафаккур кўп қиррали жараён бўлиб, уни турли хил томонидан, хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр ҳолида ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йўналишларга ажралишига сабаб бўлади.

Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Мантиқ илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунди. Улар диалектика қонунлари ва формал мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқнинг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формал мантиқ қонунлари эса фақат тафаккурдагина амал қилади. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шакллланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (ҳукмлар) ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва исботлилиқ (асосланганлик) тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Булар мантиқий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

АЙНИЯТ ҚОНУНИ

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида

айтилган айти бир фикр айти бир муҳокама доирасида айти бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ илмида «А–А» дир формуласи билан ифодаланади.

Айтият қонуни символик мантиқ илмида, яъни **мулоҳазалар** мантиғи ва **предикатлар** мантиғида ўзига хос кўринишга эга.

Мулоҳазалар мантиғида, $a \rightarrow a$ ва $a \leftrightarrow a$. (Бунда, a – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги, \rightarrow импликация белгиси, « \leftrightarrow » эквивалентлик белгиси.)

Предикатлар мантиғида ($x(P(x) \rightarrow P(x))$). Бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай X учун, агар $X P$ белгига эга бўлса, X шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади.

Айтият қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва, аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам, мазмунан айнандир.

Айтият қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қилади.

Айтият қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (хукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

НОЗИДЛИК ҚОНУНИ

Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлибгина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қилади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қуйидаги формула орқали ёзилади $\Gamma x(P(x)*P(x))$, яъни ҳар қандай (x) мулоҳаза учун $p(x)$ ва унинг инкори биргаликда чин бўлмаслиги тўғридир.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса, бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса, бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Арасту — мантиқ фанининг асосчиси эмас” — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган “Бу дори ширин” ва “Бу дори аччиқ” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин.

Учинчиси – истисно қонуни

Бу қонун фикрлар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қилади. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади» мулоҳазаларини таҳлил қилсак, унда бу мулоҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Учунчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Ҳеч бир файласуф нотик эмас.

Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

Учинчиси – истисно қонуни:

1. Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан.

2. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулоҳазаларга нисбатан.

3. Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси – истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулоҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳазанинг бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифода қилади.

Учинчиси – истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси – истисно қонуни, бошқа мантиқий қонунлар сингари, зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди.

Учинчиси – истисно қонунини билиш, муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилиқ, ишончилиқдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математики Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос деб, берилган мулоҳазанинг ўзи эса мантиқий натижа деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор», деган мулоҳазани «У шифохонада даволаняпти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гуруҳга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси ақлий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ

ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси фазо ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг устқурмаси ҳисобланади.

Умумий-чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек, аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуллари мавжуд. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилади.

Интуиция ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. Интуиция – латинча *intuitio* сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман», деган маънони билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, ҳиссий ва ақлий билишдан ўзгача бир кўринишни ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнининг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англамайди ва асосан фикр юритиш натижаси – ҳақиқатгина англаган ҳолда аниқ, равшан қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисоблансада, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод – кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиладиган қарашларнинг мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мулоҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. «Англаш учун эътиқод қиламан», деган эди Авлиё Августин ва Ансельм Кентерберийскийлар (1033–1109 й.й.).

Француз файласуфи ва теологи Пьер Абеляр (1079–1142 й.й.) эса ақл ва эътиқоднинг ўзаро нисбатини ҳаққоний кўрсатган ҳолда «Эътиқод қилиш учун тушунаман», дейди. Албатта, эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўрона эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган

этикодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Президентимиз И.А. Каримов: «Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас этикодидир» деганда айнан шуни назарда тутган эди.

Авторитет (autoritas – ҳокимият, таъсир) – кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсирдир. Етарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда авторитет тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносида қўлланилади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, муқаддас диний китоблардаги битиклар, хусусан Қуръонда ёзилган сура ва оятлар, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доираси ва давомийлиги турли хил бўлади. Тор доирада амал қиладиган, қисқа муддатли авторитетлардан фикр-мулоҳазаларни асослашда ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Чунки вақт ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши бу авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиладиган ва доимий, мунтазам бўлган авторитетларгина фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлаш учун етарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароитнинг, сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз кадр-қимматларини йўқотмайдилар, вақт синовига бардошли бўладилар. Умуминсоний маънавий маданият хазинасидан жой олган буюк мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умуминсоний-ахлоқий кадриятлар, халқларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда етарли далил ҳисобланади. Масалан, «Илм олиш учун тинимсиз изланиш зарур» эканлиги ҳақидаги фикрни ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» сўзлари билан, шунингдек, ҳадисларда келтирилган «Бешикдан то қабргача илм изла» каби фикр-мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин.

Авторитетларга асосланиш билан авторитар тафаккурни ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик – асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланади.

Авторитар тафаккур юритаётган киши бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йиғиндиси» билан чеклаб кўяди. Бу мулоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастлабки асос бўлган фикрлар системаси намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа

фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш қолади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар, нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан, ёшларда миллий мафкура ва миллий ғояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса, радио ва телевидениенинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олиншидаги роли эътиборлидир. Бу ҳақда Президентимиз И. Каримов: «Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим», деб таъкидлаган.

Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп қирралидир. Шу сабабдан фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрлардан конкрет шароитга мос равишда, меъёрга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур.

Урф-одат авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилинган бир хил шаклдаги хатти-ҳаракат, хулқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёрлар ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Миллий ғоя ва миллий мафкура урф-одатлар орқали ҳам жамият аъзоларининг онгига сингиб боради. Жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан бирор шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор хатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра...», деб фикр юритилади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қилади. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг характериға қараб амал қилади. Айният қонунига кўра, фикрлаш жараёнида ҳар бир мулоҳаза қатъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантиқий зиддиятларни келтириб чиқаради. Зид мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш уларни мантиқий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда яхлит мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

ДАЛИЛЛАРГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ФИКР ЮРИТИШ-ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСИ.

АРГУМЕНТЛАШ (ДАЛИЛЛАШ) ВА ИШОНЧ-ЭЪТИҚОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри акс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри қуришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чин ёки хатолигини кўрсатиш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёнида натижаларнинг чин ёки хатолиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули асослашдир.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган, чинлиги асосланган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Асослаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир.

ИСБОТЛАШ ВА УНИНГ ТАРКИБИ. ИСБОТЛАШ ТУРЛАРИ.

Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.

Тезис – чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун диққат-эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан, ёки ҳодисаларнинг сабабини кўрсатувчи мулоҳазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Аргументлар – тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд қилувчи ҳукмлар, таърифлар,

аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «Ҳаракат – бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат», деган таъриф чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марта марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули – демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда яқка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апагогик исботлашда тезис (a) ва антитезис (\bar{a}) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм олинади.

Апагогик исботлашда антитезис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд», деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар таркибсиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли

дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, “Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган», деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган» лиги аниқланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган», деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмнинг инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича қурилган. Айирувчи исботлашда барча муқобил вариантлар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

РАДДИЯ. РАД ЭТИШ УСУЛЛАРИ.

Раддия – исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстрация (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, Мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

- I) Тезисни рад этиш;
- II) Аргументларни рад этиш;
- III) Демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиш.

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Совет даврида Ўзбекистон тўлақонли мустақил республика бўлган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг руҳсатисиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаъниликка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу

натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу бемаънилик бўлади. «Бемаъниликка олиб келиш» усулининг формуласи кўйидагича $(a \rightarrow b) \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофиқ, антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақоласида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёвузликлар қилган», деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч – адолатда», дейиши мумкинми?»

II. Аргументларни рад этиш.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид қилиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

III. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади. Бунда рад этилаётган тезиснинг чинлиги уни асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аниқланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юқорида кўрсатилган усуллари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

ИСБОТЛАШ ВА РАД ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ, УЛАРНИ БУЗГАНДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАНТИҚИЙ ХАТОЛАР

Тезисга алоқадор қоидалар:

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгармаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар:

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.
2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.
3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

Исботлаш усулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиш қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Бу хатоликлар уч турга бўлинади:

I. Исботланаётган тезисга алоқадор хатоликлар:

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қонданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бунда янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайтирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам баҳс жараёнида тезиснинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, республикамиз тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмуни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараёнида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг алмашилишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл қўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашилиши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

II. Аргумент (асос)ларга тааллуқли хатолар:

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантикий хатога йўл қўйилади. Масалан, Қадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимоти хамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яратган.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантикий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг қудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг қудрати сўз билан ўлчанади», деб исботласак, юқорида айтилган хатога йўл қўйилади.

III. Исботлаш усули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар.

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантикий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вақт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб қабул қилиш натижасида мантикий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Бу ҳақда дедуктив хулоса чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган;

б) индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ундан кейин, демак, шунинг учун», деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир;

в) аналогияда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодикий белгининг зарурий деб олинishi, фақат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақо таққослаб бўлмайдиган ҳодисаларнинг ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантикий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараёнида атайлаб (қасддан) хатога йўл қўювчилар – софистлар деб, уларнинг таълимоти эса софизм (грек. – айёрлик) деб аталади. Фикр

юритиш жараёнида билмасдан мантиқий хатога йўл қўйилса, паралогизм дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса парадокс деб аталади.

Баҳс юритиш санъати (эристика) ўзига хос қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этади.

Буларга асосан қуйидагилар киради:

- заруриятсиз баҳслашмаслик;
- мавзусиз баҳс юритмаслик ва баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик ёки мавзунини ўзгартирмаслик;
- баҳс мавзуси юзасидан ўзаро зид ёки қарама-қарши фикрлар бўлмаса, баҳсни тўхтатиш;
- мавзунини яхши биладиган, ақлли одамлар билангина баҳслашиш;
- баҳс юритишда мантиқий қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва мухалифининг фикрларидан хулоса чиқара олиш, мантиқий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш, асослар тўғри бўлса, исботлашнинг ҳам тўғрилигини эътироф этиш ва ҳ.к.;
- бир баҳс доирасида баҳслашиш усуллари аралаштириб юбормаслик.

Аргументлашнинг мантиқий асосларини билиш ва баҳс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кўтариш имконини беради.

МАНТИҚИЙ ПАРАДОКС. ИЛМИЙ МУАММО ТУШУНЧАСИ.

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида вужудга келадиган жуда кўп масалалар уларни ечишга янгича ёндашишни тақозо этади. Муаммоли вазият, масалан, табиатшуносликда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгаллигининг асосланиши ва шу каби кашфиётлар натижасида вужудга келган. Унинг моҳиятини

табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонунлари ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигида, деб билмоқ зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазибаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурларнинг ўзининг етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

Муаммони қўйиш ва ҳал этиш

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони қўйишга олиб келади.

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усули, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришни, уни муҳокама қилишнинг хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В. Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва таланти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чуқур билимли олимлари томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқиқ қилинади.

Буни, масалан, миллий ғоя ва миллий мафқурани яратиш муаммосининг кўйилиши ва тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, «миллатнинг мафқураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин»¹.

Уни шакллантириш учун кучли истеъдод ва «ёркин тафаккур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотлар заҳмат чекканлар².

Ҳозирги пайтда эса Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Миллий ғоя, миллий мафқурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»³.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил муносабатда ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аниқроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш таракқиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғриси танилаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлиқ. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аниқланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар қўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади (Назария ҳақида бобнинг охирида кенгроқ маълумот берилади).

Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилашга ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга

¹ И.А. Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. // Асарлар тўплами 8 жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 25-бет.

² Қаранг. Ўша ерда.

³ Қаранг. Ўша ерда.

мослаштиришни талаб қилади.

Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш;

б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

в) муаммони ҳал қилиш турини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўллариини белгилаш;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин муаммони ечишга бевосита киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлақ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини уқтириб ўтган эди.

А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қилади ва бу муаммо ҳақидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради.

Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргача тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргача тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албатта, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдирмайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади холос, ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундайди. Демак, муаммо ҳал қилинмагунча илмий изланиш давом этади.

Назорат саволлари:

- 1 Иллатнинг жамият ижтимоий тараққиётига салбий таъсири ҳақидаги фикрингиз?
- 2 Иллатларнинг кўриниши, туркуми, хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
- 3 Ахлоқий муҳит ва экологик ахлоқ деганда нималарни тушунасиз?
- 4 Биоэтика масалари хусусида нималарни айта оласиз?
- 5 Тиббиёт эстетикаси ва биоэтика ҳақида нималарни биласиз?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Тафаккур — мантиқ фанининг ўрганиш объекти. Мантиқ фанининг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги аҳамияти.

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

дарсликдан мавзуни диққат билан ўқиб чиқинг. режадаги биринчи масалага жавоб берганда атамаларнинг маъносига эътибор беринг. билиш жараёнида инсон қандай мақсадларни ўз олдига қўйиши мумкин, ҳиссий ва ақлий билишнинг ўзаро алоқадорлиги қандай намоён бўлиши ҳақида ўйлаб кўринг.

иккинчи масалада тафаккур шакли ва тафаккур қонуни тушунчаларининг таърифини аниқ билиб олинг ва тафаккур шакллариининг ўзаро боғлиқлигига эътибор беринг.

учинчи масалага жавоб берар экансиз, ҳар бир фан каби мантиқ фани ҳам ўз объекти ва предметиға эға эканлигини унутманг. уларни фарқлаб олинг ва таърифини ёдланг.

тўртинчи масалага жавоб берганда фикрингизни мавжуд билимларингиз асосида мисоллар келтириб изоҳлаб беринг.

мавзуни ўзлаштириш даражангизни аниқлаш учун қуйидагисаволларга жавоб бериб ўзингизни назорат қилинг

мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. мантиқ атамаси қандай маъноларни ифодалайди?
2. тафаккур нима ва у қандай хусусиятларга эға?
3. билиш жараёни қандай амалға ошади?
4. ҳиссий билиш шакллари ва уларга хос хусусиятларни тушунтиринг.
5. тафаккур шакли деганда нимани тушунасиз?
6. тафаккур қандай шаклларда мавжуд бўлади?
7. тафаккур қонуни нима?
8. формал мантиқнинг предметиға берилган таърифни изоҳланг.
9. мантиқни ўрганишнинг амалий ва назарий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз?

МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. тўғри фикр юритиш учун мантиқ фанини ўрганиш шартми?

МАШҚЛАР

1. Қуйидаги мулоҳазалар асосида тафаккурнинг муҳим хусусиятларини тушунтириб беринг:

1.1. Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу хис хайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонаға олиб боради, демак,

билимнинг чегараси йўқ..(Носир Хисрав).

1.2.Яхши мавзудаги тафаккур ўша яхшилиқни қилишга ундайди.
Ёмонликдан афсус-надомат қилмоқ ўшандай ёмонликдан қочишга
ундайди.(Абу Ҳомид Ғаззолий)

1.3. Одамзодда бўлса қачонки фикр,

Ҳар нарсадан ибрат айлағай зикр.(Абу Ҳомид Ғаззолий)

1.4.Кўпгина бир-бирига ўхшамайдиган [нарсаларни] инсон битта ғояга
келтира оладиган бўлганидан ҳам аниқроқ мушоҳада, тафаккур этиш
усули бормикан? (Афлотун)

1.5.Ақл инсонни табиат асирлигидан суғириб олиб, уни эскирган иллатлар
ва хурофотлардан озод қилувчи мутлақ қадриятлар томон бошлайди.

1.6 Бир томондан, ақл руҳий жазави ва эҳтиросларни назорат ва таҳлил
қилувчи восита сифатида майдонга чиқса, иккинчи томондан – у уларни
бузишга хавф туғдиради.

1.7.Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуяди, тафаккур эса уни ёритади. (Инглиз
мақоли.)

**2. Қуйидаги фикрларнинг қандай мантиқий шаклга эга эканлигини
аниқланг:**

2.1.Ақл ақлдан қувват олади. (Жалолиддин Румий)

2.2. Бу асар қизиқарли ёзилган, демак, китобхонлар уни севиб ўқийдилар.

2.3. Ақлли инсон, инсон ақлга эга, маъноли сўз, сўз маъносиз эмас,
бунёдкор ғоя, сиёсий ва ахлоқий ғоялар, миллий-маънавий қадриятлар
тизими.

2.4. Ақлли инсон ҳар бир сўзини, гапини ўйлаб гапирди. Демак, ҳар бир
сўзини, гапини ўйлаб гапирмайдиганлар ақлли бўлмайдилар.

2.5. Ақл бўй билан ўлчанмас.(халқ мақоли)

2.6. Параллел чизиқлар кесишмайди, бу чизиқлар эса кесишади, демак,
улар параллел эмас.

**3. Қуйидаги фикрларнинг формал жиҳатдан тўғри ёки хато
қурилганини аниқланг:**

3.1 Ҳамма шифокорлар олий маълумотли.

Акам олий маълумотли.

Акам шифокордир.

3.2. Ҳамма бастакорлар мусиқа чалишни биладилар.

Сардор Раҳимхон бастакор эмас.

Сардор Раҳимхон мусиқа чалишни билмайди.

3.3. Баъзи ўсимликлар захарлидир.

Ялпиз-ўсимлик.

Ялпиз-захарлидир.

3.4. Йўлбарс ўтхўр хайвон.

Қўй-йўлбарсдир.

Қўй-ўтхўр хайвон.

4. Қуйидаги мулоҳазалар асосида мантиқ илмининг предметини ва аҳамиятини тушунтириб беринг:

4.1. Мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш имконига эга бўлади. (Форобий.)

4.2. Йўсинсиз равишда хотирига келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди, --сўз—қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидида пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.(А.Қодирий).

4.3. Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга одат қил. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади (Кай Ковус).

4.4. Агар сени биринчи марта алдасалар, бу сени алдаган кишининг айбидир. Агар сен ўзингни иккинчи марта алдашга имкон берсанг, бу сенинг ўз айбингдир.(Франсуз мақоли)

4.5. Фаросат (мантиқ) илми фойдаси нақд бўлган илмлардандир. Сен бу илмни билиб олсанг, у сенга кишиларнинг ўзлари яшириб юрган феълу атворларини билдиради. Мана шу фаросатнинг билдириши натижасида ўз билгинг билан унга бойланиб қоларсан, ё ундан юз ўтирарсан. Фаросат илми сенинг ўзингни аслингда бор бўлган инстинктив яратилмаларинг, ўзгартирилмаган табиатларингни кўз ўнгингга келтириб қўяди. Агар сенга фаросатнинг тузатувчи қўли тегса, сен жуда ўткир бўлиб кетасан. (Ибн Сино)

2-Мавзу: Тафаккур қонунларига риоя қилиш – билишда ҳақиқатга эришиш шarti.

Услубий тавсиялар

Дарсликдан мавзуни диққат билан ўқиб чиқинг. Биринчи масалани тушуниш учун тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниб олинг. Тил белгиси ва тилга алоқадор белгиларни фарқлаб олинг. Белгиларнинг билишдаги вазифасига эътибор беринг.

Иккинчи масалани ўрганиш учун табиий ва сунъий тиллар ўртасидаги фарқни ажратиш олиш муҳимдир. Сунъий тилдан қайси соҳаларда фойдаланиш мумкинлигини мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қилинг.

Учинчи масалани ўзлаштириш осон бўлиши учун аввало атамаларнинг таърифини тушуниб, ёдлаб олинг. Мантиқ фанида қўлланиладиган белгиларни мисоллар воситасида эслаб қолинг. Мавзуни ўзлаштириш даражангизни аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериб, ўзингизни назорат қилинг

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

1. Тилнинг таърифини ёддан айтиб бера оласизми?
2. Тил белгиси нима?
3. Тил белгилари маъноси ва мазмунига кўра қандай фарқланади?
4. Семиотика қандай фан ва унинг йўналишлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Табиий тилга хос хусусиятларни айтинг?
6. Сунъий тиллар ҳақида нималарни биласиз, сунъий тилдан фойдаланасизми?
7. Формаллаштириш нима ва у қандай талабларга жавоб бериши керак?
8. Семантик категорияларга нималар киради?
9. Дескриптив атамалар даганда нимани тушунасиз?
10. Мулоҳазалар мантиғидаги белгиларни ўқий оласизми?
11. Предикатлар мантиғидаги белгиларничи?

Муҳокама қилиш учун саволлар

1. Тилсиз тафаккурлаш мумкинми?
2. Табиий тилни бутунлай сунъий тил билан алмаштира бўладими?
3. Ўрта турк тилини муомалага киритиш ғоясига муносабатингиз қандай?

Машқлар

1. Қуйидаги мулоҳазаларга асосланиб тилнинг фикрлаш жараёнида тутган ўрнини изоҳлаб беринг:

1.1. Она тили - бу миллатнинг руҳидир (И.Каримов).

1.2. Билимли билимини тили орқали чиқармаса, унинг билими йиллаб ётгани билан зиё сочмайди. (Юсуф Хос Хожиб)

1.3. Одамзодни тил улуғлайди, уни бахтиёр қилади, шунингдек тил одамни беқадр ҳам қилади, унинг бошига балолар келтиради. (Юсуф Хос Хожиб).

1.4. Тил – тафаккур қуроли. Тилга палапартиш муносабатда бўлиш – палапартиш ноаниқ, тахминан, нодуруст фикр қилиш ҳамдир. (А.Толстой).

1.5. Яхши ёзиш – шу билан бир вақтда яхши фикрлаш ҳамдир, яхши ҳис-туйғу ва яхши баён қилиш –бу ақл-идрок, қалб ва дидга эга бўлишдир. (Ж.Бюффон.)

1.6. Билсанг, хуш гуфтор очавер,

Билмасанг жимжит кечавер,

Сўз ярасиндан қочавер,

Тиғ яраси битар-кетар.(Махтумқули).

2.Қуйидаги ифодалардаги дескриптив ва мантиқий атамаларни ажратинг:

а) маҳфий хабар, б) лекин, в) сифат.г) унинг орзуси- шоир бўлиш, д) фақат ва фақат шундагина, е) кенг ва ёруғ хона, ж) катта, думалоқ шиша буюм, з) ёки ҳеч қачон, и) агар мумкин бўлса, к) А.Навоий—А.Жомийнинг замондоши, л) ҳаракат, м) баъзи ходисалар, н) Аристотел—мантиқ фанининг асосчиси, о) йўқ.

3.Қуйидаги ифодалардан қайсиниси денотат (номнинг мазмуни), қайси бири концепт (номнинг маъноси)эканини аниқланг:

а) Тошкент—Ўзбекистон Республикасининг пойтахти;

б) Тафаккур қонунлари объектив характерга эга;

в) Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди;

г) Ҳамма металллар кислоталар билан реакцияга киришади;

д) “Донишнома” асарининг муаллифи—Абу Али ибн Сино;

е) Ер Қуёш атрофида айланади;

ж) Ҳунарли эр хор бўлмас;

з) Оғир тошни сув элтмас.

и) Ҳеч кимни ёқтирмайдиган киши, ҳеч кимга ёқмайдиган кишидан бахтсизроқдир. (Ф.Ларошфуко.)

4.Қуйидаги фикрларни мулоҳазалар мантиғи тилида ёзинг:

4.1. Ақлни ўғри ҳам олиб кетолмайди, сув ҳам, олов ҳам нобуд этолмайди.(Кай Ковус.)

4.2. У ё ҳаммасини билади ёки ўзини билмасликка олади.

4.3. Агар меҳнат қилсанг ғамгинлик, иллат ва мухтожликдан халос бўласан.

4.4. Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди.

4.5. Кишининг тили унга ҳам шуҳрат, ҳам бадномлик келтириши мумкин.

4.6. Қўлёманинг муаллифи ё XV ёки XVI асрда яшаган.

3-Мавзу: Далилларга таянган ҳолда фикр юритиш-илмий билишнинг мантиқий асоси.

Услубий тавсиялар

Бу мавзу аввалги мавзуларни тўлиқ ўзлаштиришингизни талаб қилади, чунки унда, ўтилган мавзулардаги мантиқий қонун-қоидалардан ҳам назарий, ҳам амалий фойдаланишни билишингиз зарур.

Режадаги биринчи масалани ўрганаётганингизда бирор ғояга нисбатан ишонч-эътиқоднинг шаклланишида номантиқий усулларга нисбатан мантиқий усулларнинг таъсирчан эканлигига эътибор беринг. Далиллаш, исботлаш ва рад этиш тушунчалари ўртасидаги муносабатни аниқлаб олинг.

Режадаги иккинчи масалага оид маълумотларни дарсликдан диққат билан ўқиб чиқинг. Исботлашнинг таърифи билан далиллашнинг таърифини солиштиринг. Исботлаш тушунчаси далиллаш тушунчасига бўйсунди, улар ўртасида бўйсуниб муносабати мавжуд. Исботлашнинг таркибини ташкил этувчи элементларни билиб олинг. Исботлашнинг турларини ўрганар экансиз, бевосита исботлашда қандай аргументлардан фойдаланиш самаралироқ эканлигига эътибор беринг. Билвосита исботлашнинг икки тури: антитезис орқали ва айирувчи исботлашнинг фарқини тушуниб олинг. Берилган тезисга зид тезисни аниқлашда учунчиси истисно қонуни ва ҳукмлар ўртасидаги зидлик муносабати ҳақидаги билимларингизни эсланг. Айирувчи исботлаш айирувчи-қатъий хулоса чиқариш кўринишида бўлади. Бунда хулоса-тезисни, хулоса асослари - аргументларни ифодалайди. Тезис айирувчи хулоса чиқаришнинг фақат инкор этиб, тасдиқловчи модуси орқали исботланади. Бунда муқобил вариантлар тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Инсон хато фикрларни рад этишни ҳам билиши зарур. Режадаги учинчи масалани ўрганиб, сиз буни тўлиқ билиб олишингиз мумкин. Раддия исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир. У исботлаш билан бир хил тузилишга эга. Раддияни амалга оширишда қўлланиладиган усулларни ва уларнинг турларини тушуниб, билиб олинг. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини кўрсатиш орқали тезисни рад этиш усулини яхшилаб билиб олинг. Бу тезисни рад этишнинг самарали усулларидан бири. Унутманг, аргументлар рад қилинганда ва исботлаш усули танқид қилиниб рад этилганда тезис очик қолади, яъни унинг исботланмаганлиги асосланиб, рад этилади.

Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатолар режадаги тўртинчи масаладир. Қоидаларни тушуниб ёдлаб олинг, уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатоларни таҳлил қилинг. Бу қоидаларни яхши билиб олсангиз, исботлаш ва рад этиш жараёнида ўзингиз хатоларга йўл қўймаслигингиз ёки суҳбатдошингизнинг хатоларини билиб, бундан фойдаланишингиз мумкин. Исботлаш ва рад этишда учрайдиган паралогизм, парадокс ва софизмлар ўзига хос мантиқий хатолар ҳисобланади.

Паралогизм- нотўғри, ёлғон фикрлаш деган маънони билдиради ва фикрлаш жараёнида билмасдан йўл қўйилган мантиқий хатони ифодалайди.

Масалан: Золим амалдор кўприкдан ҳеч кимни ўтказмаслик учун соқчи қўйибди. Кўприкда турган соқчи йўловчиларга “Нега келаяпсан?- деб савол бериши керак. Йўловчи саволга нотўғри жавоб берса, соқчи уни осиб ўлдириши, тўғри жавоб берса, чўкдириб юбориши керак. Бир деҳқон кўприкдан ўтиш учун соқчининг олдига келибди. Соқчи ундан: “Нега келаяпсан?”-деб сўрабди. Деҳқон унга: “Мени осиллари учун келдим” - деб жавоб берибди. Соқчи деҳқонни кўприкдан ўтказишга мажбур бўлибди.

Бу паралогизмнинг моҳияти шундаки, агар соқчи деҳқонни осса, унда у тўғри гапирган бўлади ва уни чўкдириб юбориш керак эди. Агар уни чўкдирса, унда гапи ёлғон бўлгани учун, уни осили керак эди.

Парадокс- чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган мулоҳазадир. Масалан: “Ўйинимизнинг биргина қоидаси бор, у ҳам бўлса ҳеч қандай қоида йўқ.”

Софизм-бахс, мунозара, суҳбат жарёнида атайлаб мантиқий хатога йўл қўйиш орқали хато фикрни чин деб кўрсатувчи мулоҳазалардан иборат фикрлашдир. Масалан: “Биласизми, мен ҳозир сиздан нимани сўрамоқчиман?- Йўқ.-Наҳотки сиз ёлғон гапириш ёмонлигини билмасангиз? –Биламан, албатта.- Лекин мен сиздан ҳозир айнан шунини сўрамоқчи эдим, сиз бўлсангиз билмайман деб жавоб бердингиз. Демак, сиз нимани билмаслигингизни биласиз.” Бу софизмда атайлаб мантиқий хатога йўл қўйилган. Унда икита савол бирлаштириб юборилган.

Дарсликда баҳс юритиш санъати-эристиканинг қоидалари берилган. Бу қоидаларни билиб олиш сизга баҳс, мунозараларни мантиқан тўғри ташкил этишда, уларнинг самарадорлигини оширишда, энг муҳими ҳақиқатни аниқлашда ёрдам беради.

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Исботлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Исботлаш қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?
3. Исботлашнинг қандай турларини биласиз?
4. Раддиянинг қандай турлари бор?
5. Сиз раддиянинг қайси туридан кўпроқ фойдаланасиз?
6. Асослар рад этилганда тезис ҳам рад этиладими?
7. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини айтиб бера оласизми?
8. Исботлаш ва рад этишда учрайдиган қандай мантиқий хатоларни биласиз?

Муҳокама қилиш учун саволлар

1. Табиий-илмий ғояларга нисбатан ижтимоий ғояларга ишонч-эътиқоднинг шаклланиши сустрок, мураккаброқ деган фикрга қўшилмасизми? Фикрингизни асослаб беринг.

Машқлар

1. Берилган тезисга аргументларни танланг, дедуктив хулоса чиқариш усулларида бири воситасида аргументларнинг тезис билан боғлиқлигини кўрсатинг.

Намуна: Тезис: Талаба А. оширилган стипендия олмайди .

Аргументлар: Сессияни аъло баҳога топширган талабалар оширилган стипендия олади.. Талаба А. сессияни аъло баҳога топширмади.

Исботлаш усули:

Сессияни аъло баҳога топширган талабалар оширилган стипендия олади.

Талаба А. сессияни аъло баҳога топширмади.

Талаба А. оширилган стипендия олмайди .

Тезис оддий-қатъий силлогизмнинг 1-фигураси воситасида исботланди.

1.1 Психология – гуманитар фан.

1.2. Агар Б. шахс жиноят қилганликда шубҳаланиб камоққа олинган бўлса, унинг иши бўйича суд айблаб ёки оқлаб ҳукм чиқариши мумкин.

2. Берилган тезисга аргументларни танланг, уни индуктив хулоса чиқариш усули воситасида асосланг.

2.1. Нафс тарбияси инсонни ёмон хулқлардан асрайди.

2.2. Меъёрга амал қилмаслик соғлиққа зарар.

2.3. Ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига берилиб кетишлари уларнинг дарсларни ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Қуйидаги муҳокамаларни аргументлашнинг таркиби ва турлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

3.1. Кўп гапириш ярамайди, зероки ҳаддан ташқари маҳмаданагарчилик енгилтаклигу димоғдорлик нишонасидир ва ҳурмат йўқолиши-ю, жиддият етишмаслигининг сабабчисидир. (Жалолиддин Давоний)

3.2. Кишиларга хоҳлаган иши билан шуғулланишига рухсат берилса, ўзаро ёрдам камаяди, зеро ҳар бир киши ўз шахсий манфаати йўлида бошқаларга зиён етказди, (бу эса) ўзаро жанжал, бир-бирини йўқотиш ва бузуқчиликка сабабчи бўлади. Демак, ҳар ким имкони борича кишилар ўртасидаги зўравонликка чек қўйишга ҳаракат қилмоғи керак. (Жалолиддин Давоний)

3.3. Юксак мартабалару дунёнинг бойлиги, мол-мулклар йўқолиб ва ўзгариб туради. Бу фикрдан шундай хулоса келиб чиқади: инсон авлоди ва бу фоний дунё аҳолисидан хотира сифатида ёдгорликлардан бошқа ҳеч нарса қолмайди. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

2. Қуйидаги мисолларнинг қайси бирининг бевосита исботлашга, қайсиниси билвосита исботлашга оид эканлигини аниқланг:

2.1. Илм билан амалиёт туз билан таомга ўхшайди. Кимда мана шу икки нарса мавжуд экан, ундай одам тўла маънода доно ҳисобланади. (Чунки) овқатни тузсиз истеъмол қилиш мумкин, тузни эса таомсиз ишлатиб бўлмайди. (Мажид Хавофий.)

2.2. Ҳамма одамлар хато қиладилар. Ҳеч қачон хато қилмаган одамни топиб бўлмайди.

2.3. Хусайн Воиз Кошифий футувват тариқатига мансуб бўлган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар берилган. Унинг “Футувватномаи султония” асарида футувват аҳлларининг одоб қоидалари ёзилган.

3. Қуйидаги исботлаш ва рад этиш ҳолларида қандай хатоларга йўл қўйилганлигини кўрсатинг:

3.1. Суд жараёнида адвокат судланувчининг ўғирлик қилмаганлигини, чунки у кўрқок, журъатсиз, тортинчоқ бўлиб, оиласи ва болалари уни яхши кўришларини айтиб, судланувчини оклашларини сўради.

3.2. Агар бирор телесериал кўп телетомашабинларни экран қаршисида тўпласа, унда унинг бадиий даражаси юқори бўлади. Лотин Америкасининг сериаллари кўп телетомашабинларни экран қаршисида тўплайди. Демак, уларнинг бадиий даражаси юқори.

3.3. Бу одамнинг қон босими баланд, чунки унинг юзи қизариб кетди.

3.4. Бу одам мантиқий фикр юритмайди. У мантиқ фанининг таърифини айтиб беролмади.

3.5. У хонадан чиқиб кетгандан сўнг телефон ўғирланганлиги маълум бўлди. Демак, у телефонни ўғирлаган.

4. Қуйидаги софизмларни мантиқий таҳлил қилинг:

4.1. “Кал” софизми.

-Агар одамнинг бошидан бир дона соч толаси тўкилса, у кал бўладими?

-Йўқ.

-Ўн дона тўкилса-чи?

- Кал бўлмайди.

-Биттадан бошдаги ҳамма сочлар тўкилгандачи?

-Унда кал бўлади.

-Сен ўз сўзингга ўзинг қарши чиқаяпсан. Ҳозиргина битта сочи тўкилса кал бўлмайди деган эдинг.

4.2.Ўқитувчи ўқувчисининг оқил бўлишини ва жохил бўлмаслигини хоҳлайди. Демак, у ўқувчисининг ҳозирги ҳолатида бўлишини хоҳламайди, ҳозирги ҳолатига зид ҳолатда бўлишини хоҳлайди. Бундан маълум бўладики, у ўқувчисини борлиқдан ноборлиқ ҳолатига ўтишини, яъни ўлимини хоҳлайди.

5. Қуйидаги муҳокамалардаги мантиқий хатоларни аниқланг, унинг келиб чиқиш сабабини топишга ҳаракат қилинг.

5.1.”Сартарош”. Бир қишлоқда фақат биргина сартарош бор экан. Қишлоқдаги қабул қилинган қонунга кўра у ўзи соқолини ололмайдиганларнинг соқолини олиши керак. Савол келиб чиқади: сартарошнинг соқолини ким олади?

5.2. “Миссионер”. Бир миссионер каннибал (одамхўр)лар орасига тушиб қолибди. Каннибаллар уни қандай қилиб ейиш масаласида бахслашиб қолишибди. Баъзилари қовуриш керак деса, бошқалари қайнатиш керак дебди. Ўзаро келиша олмай бир қарорга келишибди. Улар миссионерга: “Сен бирор гап айтгин. Агар гапинг тўғри бўлса, сени қайнатиб, нотўғри бўлса,

ковуриб еймиз” - дейишибди. Миссионер уларга “Мени ковуриб ейсизлар”-деб жавоб берибди.”

5.3. “Тоза оқ варақни тасвирлаш”. Сизга бир варақ оқ қоғоз бериб, шу қоғознинг ўзига уни тасвирлаш вазифаси топширилди. Сиз: “Бу тўғри тўртбурчак шаклидаги ёғочдан махсус ишлов берилиб тайёрланган оқ қоғоз”-деб ёздингиз. Нима деб ўйлайсиз, вазифани бажара олдингизми?

4-мавзу: Мантиқий парадокс. Илмий муаммо тушунчаси.

Услубий тавсиялар

Воқеа, ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш билишнинг мақсадидир. Кундалик ҳаётда ёки илмий фаолиятда инсон кўплаб муаммоларга, ўзи учун номаълум бўлган масалаларга дуч келади. Уларнинг ечимини топиш учун ўз саволларига жавоб қидиради. Савол бериш, фикрни тўғри жавобга йўналтириш ўзига хос санъат бўлиб, тафаккурлаш маданиятининг зарурий элементи ҳисобланади. Савол ҳукмдан фарқ қилади. У тасдиқламайди ёки инкор қилмайди, уни чин ёки ёлғон деб бўлмайди. Савол алоҳида мантиқий реаллик сифатида эротетик мантиқда ўрганилади.

Режадаги биринчи масалани дарсликдан ўқиб, савол бериш учун маълум бир билимларга эга бўлиш зарурлигини ёдда тутинг. Билимсиз одам савол бермайди. Саволнинг базисини, турларини саволни тўғри қўйиш қоидаларини билиб олинг. Ҳар бир савол ўзига мос жавобни тақазо этади. Жавобни қидириш соҳасининг кенг бўлиши кўп мутоала қилишни талаб қилади. Жавоб турларини билиб олар экансиз, ўзингиз берилган саволларга қандай жавоб қайтараётганингизга эътибор беринг.

Муаммо жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир. Режадаги иккинчи масалани ўрганар экансиз, муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эканлигини унутманг.

Муаммоларни хал этиш жараёнида маълум бир фаразлар-гипотезалар илгари сурилади ва асосланади. Гипотеза муаммонинг ечимини асосли тахмин тарзида ифодаловчи билим шаклидир. Режадаги учинчи масалага оид дарсликдаги маълумотларни диққат билан ўқиб чиқинг. Гипотезаларни илгари суриш учун аналогия, тўлиқсиз индукция, лемматик хулоса чиқариш усулларидан фойдаланилади. Шу боис хулоса чиқаришнинг юқорида кўрсатилган усулларига оид билимларингизни эсланг. Гипотезанинг турларини билиб олинг.

Режадаги тўртинчи масала “Назариянинг моҳияти, структураси, функциялари ва турлари” ҳақида. Бу масалани ўрганаётганингизда аввало, назария тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олинг. Назариянинг турларини бир-биридан фарқланг, унинг илмий билишда тутган ўрнига аҳамият беринг.

Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар

1. Саволнинг қандай турлари бор?
2. Жавоб берганда нималарга эътибор бериш керак?
3. Муаммонинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

4. Муаммони тўғри қўйиш ва хал этиш учун нималарга эътибор бериш зарур?

5. Гипотезанинг қандай турлари бор?

6. Назария билиш жараёнида қандай вазифаларни бажаради?

Муҳокама қилиш учун саволлар

1. Савол-жавоб билим олишдан бошқа нарсага ҳам йўналтирилган бўлиши мумкинми?

2. Насия жавобни билимсизлик деб баҳоласак тўғри бўладими?

3. Ҳаётингизда дуч келган қандай ҳолатлар сиз учун муаммо бўлган?

4. Муаммоларингизни хал қилишда нималарга асосланасиз?

5. Илмий фаразсиз муаммони хал қилиш мумкинми?

6. Ҳар қандай таълимот назария ҳисобланадими?

Машқлар

I. Қуйидаги саволларнинг турларини кўрсатиб таҳлил қилинг:

1. Ҳамма имтиҳонларни “аъло”га топширган талаба оширилган стипендия олиши тўғрими?

2. Қачондан бошлаб деканни ҳурмат қиласан?

3. Сен қайси кунлари ёлғон гапирасан?

4. Синтетик буюмлар синтетик материаллардан ишлаб чиқиладими?

5. Нима муҳимроқ ишни бошлашми ёки якунлаш?

6. Омадсизликдан хурсанд бўлишни ўргандингми?

7. Нима учун техника ОЎЮда металлар қаршилиги ўрганилади, педагогика ОЎЮда эса тарбияланаётган шахс қаршилиги ўрганилмайди?

8. Учбурчак АБС учбурчакми?

9. Нима дунёда энг гўзал?

10. Марс сайёрасида ҳаёт борми?

11. Агар Ойда ҳаёт бўлса, сен у ерга кўчиб борган бўлармидинг?

II. “Нима учун дарахтларнинг барглари тўкилади?” деган саволга берилган жавобларни таҳлил қилинг:

1. Нима учун улар тўкилмаслиги керак?

2. Шунинг учун ҳам тўкилади

3. Улар ҳар йили тўкилади.

4. Барглари ўзи шунақа бўлади.

5. Чунки табиат қонуни шунақа.

6. Чунки баргларнинг тўкилгиси келган.

7. Дарахтлар ухлаб қолганда, барглари тўкилади.

8. Барглари жонли, жонли нарсаларнинг ҳаммаси бир кун келиб йўқ бўлади.

9. Кучли куз шамоли уларни узиб туширган.

10. Баҳорда ўрнига янги барглари ўсиб чиқиши учун тўкилади.

III. Қуйидаги математик муаммоларни таҳлил қилиб, ечилиш усулини тушунтириб беринг:

1. Қадимги Хитойда, тоғлар орасида жойлашган ибодатхонада кекса ва ёшларни кўшиб ҳисоблаганда 100 та рохиб яшаган экан. Ҳеч ким рохибларнинг қанчаси ёш, қанчаси кекса эканлигини билмас экан. Лекин улар ҳар куни эрталаб нонуштада 100 дона нон истеъмол қилишлиги, кекса рохибларнинг ҳар бири 3 донадан, ҳар 3 та ёш рохиб эса 1 донадан нон ейиши маълум экан.

Ибодатхонада қанча кекса ва қанча ёш рохиб бор?

2. Яйловда отлар чўпонлар назоратида ўтлаб юрибди. Одамлар ва отларнинг боши кўшиб ҳисоблаганда - 26 та, оёқлари эса – 82та. Яйловда неча чўпон ва қанча от бор?

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Илмий билишнинг мантиқий структураси ва ривожланиши тўғрисидаги ҳозирги тасаввурлар. Т.Кун, Дж. Холтон, Ст. Тульмин, И. Лакатос, К. Поппер, П. Фейерабенднинг фан мантиғи концепциялари.
2. XVIII аср илмий революцияси ва мантиқий фани. Билишнинг табиат ва тараққиёти тўғрисидаги мантиқий системаларнинг пайдо бўлиши. Ф. Бэкон, Дж.Локк, Р. Декарт, Т. Гоббснинг мантиқий таълимотлари.
3. “Зиддият принципи” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
4. “Диалектик инкор принципи” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
5. Предметни ҳар томонлама ўрганиш принципи.
6. Тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги принципи.
7. “Мулоҳазаларнинг диалектик табиати” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
8. Гипотеза-назарий билимларнинг мавжудлиги ва тараққиётининг мантиқий шакли.
9. “Муаммо билишнинг мантиқий воситаси сифатида” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
10. Жавоб муаммони ҳал этишнинг мантиқий усули сифатида. Жавобнинг турлари.
11. “Илмий назариянинг эмпирик ва фалсафий асоси” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
12. Илмий назарияни куришнинг мантиқий принциплари.
13. “Илмий назария оламнинг илмий ва фалсафий манзарасини яратишнинг мантиқий асоси сифатида” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
14. Назарий билимларни фальсификация қилишнинг мантиқий мазмуни.
15. Ҳақиқат фикрнинг предметга тabora яқинлашиб бориши жараёни сифатида.
16. “Мантиқда тафаккур тарзи масаласининг кўйилиши. Илмий тафаккур тарзининг ўзига хослиги” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
17. “Билиш тараққиёти давомида тафаккур тарзининг ўзгариб бориши”

мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
18.Диалектика илмий тафаккурнинг турли шакллари ва мавжуд бўлиши
ва ривожланишининг мантиқий асоси сифатида.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир.

“КЕЙС-СТАДИ” методини амалга ошириш босқичлари

- Кейс билан танишув (индивидуал)
- Асосий муаммони (ўқув муаммосини) ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Ғоялар йиғиш ва муаммонинг мақбул ечимини танлаш, моделлаштириш (кичик гуруҳларда)
- Кейс ечими учун таклиф этилган ғояларни тақдироти, таҳлил ва баҳолаш (ўқитувчи ва кичик гуруҳлар)
- Кейс ечими ва тавсиялар. (ўқитувчи, кичик гуруҳлар ва индивидуал)

“Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари. шахс ахлоқий тарбияси” мавзусига «Кейс стади» методининг қўлланилиши.

Дарс мавзуси: (амалий машғулот) Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни. Оилавий муносабатларга ноанъанавий ёндошувлар: бир жинсли никоҳлар, никоҳсиз оилалар ва уларнинг оқибатлари.

Дарснинг таълимий мақсади: Ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, этиканинг мезоний тушунчаларини инсон ҳаётида қўллай билиш кўникмаларини пайдо қилувчи маданиятни ривожлантириш, оиланинг муқаддаслиги аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Талабаларнинг ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ахлоқнинг инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.

Дарсда фойдаланиладиган метод: “Кейс стади”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан

таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда ахлоқнинг моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги ўрни, оила тушунчаси: оилани шаклланишида урф одат ва анъаналарнинг ўрни, Давлатнинг оила тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни. Давлат томонидан ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг ахлоқий аҳамияти ҳақида маълумотлар беради.

3. “Кейс стади” методни ўтказиш.

Бу методдан мақсад: ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, ҳаётини вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, амалий машғулотларга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Аудиториядаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб, журналдаги тартиб рақамлари ёки, ўтирган жойдаги инсонларни қизиқишлари, ёки рангли қоғозларини тарқатиб бир хиллиларни ажратиб олиш йўллари билан груҳларга ажратиб олинади. Хар бир гуруҳга “муаммо” тарқатилади.

1 – вазият:

МАШҚЛАР

1.Қадимги Ҳинд фалсафий мактабларидан ньяя мактабининг бахс юритиш қоидаларини таҳлил қилинг. Сиз яна қандай қоидаларни қўшган бўлардингиз?

1.Бахслашувчи томонлар аввало ўз қуроллари, яъни мантиқий қоидаларни билишларини тасдиқлашлари зарур;

2.Бахслашув объектини кўриб чиқишлари;

3. Муҳолифлардан бири бошқасининг илгари сурган тезисига қарши чиқиш;

4. Бу қаршилиқнинг асоси (сабаби) мавжуд бўлиши;

5.Бахс бирон бир мисолга йўналтирилган бўлиши ва бахслашувчи томонлар уни қатъий эътироф этишлари талаб қилинади;

6.Сўнгра бахс мавзуси аниқланади;

7.Бахслашувчи томонлардан бири ўз фикрини исботлаш қоидаларига биноан асослайди;

8.Ва ўз фикрига зид бўлган қарашни рад этади;

9.Натижада ҳақиқат исботланади.

2. ФОРОБИЙНИНГ АСАРЛАРИДАН ОЛИНГАН НАМУНАЛАРНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИНГ:

2.1.Авторитет тушунчаси шундай инсонни ифодалайдики, агар у бирор нарсани кўрсатса, унда унинг фикри ҳеч қандай баҳслашувсиз қабул қилинади ва текширишни талаб қилмайди. Унинг кўрсатмалари ҳеч қандай исботга асосланмаган бўлса ҳам қабул қилинади” (4.22-бет)

2.2.Инсон ақлий қувватини шундай яхшилаши керакки, унинг иродаси ҳақиқатга йўналтирилган бўлсин. Аристотелга тақлид қилиш шундай бўлиши керакки, токи унга бўлган муҳаббат ҳеч қачон шу даражага етмасинки, уни ҳақиқатдан афзалроқ кўрмасинлар, токи ундан нафратланмасинлар ва уни рад этиш истагида бўлмасинлар (4.13-бет) .

2.3.Бир буюм ҳақида турли билимларнинг гувоҳлигидан, кўпчилик фикрининг бир хил бўлишидан салмоқлироқ, кучлироқ далил йўқ, чунки ҳамманинг интелекти исботлаш учун хизмат қилади.(3. 44-бет)

2.4.Шу билан биргаликда кўпчилик одамлар нотўғри қарашларга эга бўлишларига шубҳа қилмаслик зарур, чунки, бир фикрга асосланувчи ва ҳамма фикрига қўшилган, ҳаммани ўз ортидан эргаштирувчи битта авторитетга мурожаат қилувчи одамларнинг гуруҳига битта ақл деб қараш мумкин, биргина ақл эса буюмларнинг бирортасига нисбатан янглишиши мумкин. Бу фикр, агар қабул қилинган қараш қайта-қайта ўйлаб чиқилмаган ва чуқур, холис таҳлил қилинмаган бўлса, айниқса тўғри бўлади. Бу ишда кўнгилчанлик қилиш ёки эътиборсизлик билан текшириш ўз-ўзини алдашга, кўр-кўроналикка, хомҳаёлга олиб келади. Қачонки турли ақл (эгалари-Д.Ф.) ўйлаб ўзини текшириб, баҳслар, мунозаралар, тортишувлардан, қарама-қарши томонларни кўриб чиққандан сўнг бир фикрга келсалар, уни исботласалар ва яқдиллик билан унга рози бўлсалар, шундагина уларнинг бу фикридан тўғрироқ ҳеч нарса бўлмайди.(3.45-бет).

3.Форобий ва Ибн Синоларнинг Яратувчи(биринчи сабаб) нинг ягоналигини қандай мантиқий исботлаганликларини таҳлил қилинг:

3.1. “Зарурий моҳият ягона бўлиб, қолган барча нарсалар имконий моҳиятдир, чунки уларнинг ҳаммаси сабабга эга, сабаблар эса чексиз бўлмайди. Улар ё биринчи сабабга яъни зарури й моҳиятга бориб тақалади ёки ўзига қайтиб келади. Масалан, А-Б нинг, Б- ўз навбатида В нинг сабаби бўлса, В I учун сабаб ҳисобланади, I эса А нинг сабаби бўлади.

Шундай қилиб, булар ягона оқибатлар системасини ташкил этади. Уларнинг сабаби эса ташқарида бўлади”. Ибн Сино яна бир мисол келтиради: “Д А нинг сабаби ва А оқибатнинг оқибати бўлади, яъни бир буюмнинг ўзи бошқасининг ҳам сабаби ҳам оқибати бўлади. Бу эса беъманиликдир. Шундай қилиб, ҳар бир оқибат зарурий моҳиятга бориб тақалади, зарурий моҳият эса ягонадир, бирдир”.(Донишнома. 135-б.)

3.2.Яратувчининг борлигини Фаробий шундай далиллайди:

Яратувчининг суврати (шакли-Ф.Д) йўқ.

Суврат фақат моддада бўлади

Яратувчи номоддийдир.

Моддий нарсалар вақтда мавжуд бўлади.

Яратувчи вақтда мавжуд эмас, у азалийдир.

Биринчи сабаб, яратувчи мукамалдир.

Мукамаллик фақат ягоналикка хос.

Яратувчи ягонадир.

4. Шарқ мантиқшуносларининг бошланғич билимлар ҳақидаги фикрларини таҳлил қилинг:

4.1.Фаробий «Мантиқ илмига кириш» асарида бошланғич билимларнинг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади (1. 203-бет) .

Мақбулот-юқори авторитетлар, обрўли кишилар томонидан тасдиқланган ва улар белгилаб берган билимлар.

Машҳурот-инсонлар орасида кенг тарқалган ва чин деб қабул қилинган билимлар.

Маҳсулот-сезги органлари воситасида ҳосил қилинган билимлар.

Мақбулоти-аввал илмининг бошланишидаёқ маълум бўлган чин фикрлар, яъни аксиомалар.

4.2. Ибн Сино исботлаш учун асос бўлувчи билимларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш натижасида “Донишнома” асарида дастлабки, бошланғич билимларнинг ўн уч турини таърифлаб беради. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Аксиомалар- аввалийят; 2. Сезгилар воситасида хосил қилинган билим- махсусат; 3. Тажриба асосида хосил килинувчи билим- тажрибийат; 4. Бошқа кишилардан билиб олинган фикрлар- мутаваират; 5. Ақлда доимо мавжуд бўладиган билимлар; 6. Интуиция-вахмийат; Кўпчилик томонидан қабул этилиб, тасдиқланган билим- машхурат ба хақиқат; 8. Доно кишилар томонидан белгиланувчи билимлар- мақбулот; 9. Эҳтимоллик тарзида бўлган билимлар- мусалламат; 10. Ўхшашликни ифодаловчи билимлар-мушбихат; 11. Зоҳирий билимлар- машхурат-ба захир; 12. Таҳминий билимлар-мазнунат; 13.Ҳаёл-мутахайилат.

4.3.Фахриддин Розий хулоса асослари сифатида қўлланиладиган билимларнинг 5 турини таърифлаб берган:

1. Дастлабки принциплар-аксиомалар.
2. Кузатиш натижалари
3. Оғзаки билимлар
4. Тасдиқланган фактлар
5. Фараз

МАШҚЛАР

I. қуйидаги саволларнинг турларини кўрсатиб таҳлил қилинг:

1. ҳамма имтиҳонларни “аъло”га топширган талаба оширилган стипендия олиши тўғрими?
2. қачондан бошлаб деканни ҳурмат қиласан?
3. сен қайси кунлари ёлғон гапирасан?
4. синтетик буюмлар синтетик материаллардан ишлаб чиқиладими?
5. нима муҳимроқ ишни бошлашми ёки якунлаш?
6. омадсизликдан хурсанд бўлишни ўргандингми?
7. нима учун техника оўюда металллар қаршилиги ўрганилади, педагогика оўюда эса тарбияланаётган шахс қаршилиги ўрганилмайди?
8. учбурчак абс учбурчакми?
9. нима дунёда энг гўзал?
10. марс сайёрасида ҳаёт борми?
11. агар ойда ҳаёт бўлса, сен у ерга кўчиб борган бўлармидинг?

II. “Нима учун дарахтларнинг барглари тўкилади?” деган саволга берилган жавобларни таҳлил қилинг:

- 10.Нима учун улар тўкилмаслиги керак?
- 11.Шунинг учун ҳам тўкилади
- 12.Улар ҳар йили тўкилади.
- 13.Барглари ўзи шунақа бўлади.

14. Чунки табиат қонуни шунақа.
15. Чунки баргларнинг тўкилгиси келган.
16. Дарахтлар ухлаб қолганда, барглари тўкилади.
17. Барглар жонли, жонли нарсаларнинг ҳаммаси бир кун келиб йўқ бўлади.
18. Кучли куз шамоли уларни узиб туширган.
10. Баҳорда ўрнига янги барглар ўсиб чиқиши учун тўкилади.

III. Қуйидаги математик муаммоларни таҳлил қилиб, ечилиш усулини тушунтириб беринг:

1. Қадимги Хитойда, тоғлар орасида жойлашган ибодатхонада кекса ва ёшларни қўшиб ҳисоблаганда 100 та роҳиб яшаган экан. Ҳеч ким роҳибларнинг қанчаси ёш, қанчаси кекса эканлигини билмас экан. Лекин улар ҳар куни эрталаб нонуштада 100 дона нон истеъмол қилишлиги, кекса роҳибларнинг ҳар бири 3 донадан, ҳар 3 та ёш роҳиб эса 1 донадан нон ейиши маълум экан.

Ибодатхонада қанча кекса ва қанча ёш роҳиб бор?

2. Яйловда отлар чўпонлар назоратида ўтлаб юрибди. Одамлар ва отларнинг боши қўшиб ҳисоблаганда - 26 та, оёқлари эса – 82та. Яйловда нечта чўпон ва қанча от бор?

МАШҚЛАР

1. Берилган тезисга аргументларни танланг, дедуктив хулоса чиқариш усулларида бири воситасида аргументларнинг тезис билан боғлиқлигини кўрсатинг.

Намуна: Тезис: Талаба А. оширилган стипендия олмайди .

Аргументлар: Сессияни аъло баҳога топширган талабалар оширилган стипендия олади.. Талаба А. сессияни аъло баҳога топширмади.

Исботлаш усули:

Сессияни аъло баҳога топширган талабалар оширилган стипендия олади.

Талаба А. сессияни аъло баҳога топширмади.

Талаба А. оширилган стипендия олмайди .

Тезис оддий-қатъий силлогизмнинг 1-фигураси воситасида исботланди.

1.1 Психология – гуманитар фан.

1.2. Агар Б. шахс жиноят қилганликда шубҳаланиб камоққа олинган бўлса,

унинг иши бўйича суд айблаб ёки оқлаб ҳукм чиқариши мумкин.

2. Берилган тезисга аргументларни танланг, уни индуктив хулоса чиқариш усули воситасида асосланг.

2.1. Нафс тарбияси инсонни ёмон хулқлардан асрайди.

2.2. Меъёрга амал қилмаслик соғлиққа зарар.

2.3. Ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига берилиб кетишлари уларнинг дарсларни ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Қуйидаги муҳокамаларни аргументлашнинг таркиби ва турлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

3.1. Кўп гапириш ярамайди, зероки ҳаддан ташқари маҳмаданагарчилик енгилтаклигу димоғдорлик нишонасидир ва ҳурмат йўқолиши-ю, жиддият етишмаслигининг сабабчисидир. (Жалолиддин Давоний)

3.2. Кишиларга хоҳлаган иши билан шуғулланишига рухсат берилса, ўзаро ёрдам камаяди, зеро ҳар бир киши ўз шахсий манфаати йўлида бошқаларга зиён етказди, (бу эса) ўзаро жанжал, бир-бирини йўқотиш ва бузукчиликка сабабчи бўлади. Демак, ҳар ким имкони борича кишилар ўртасидаги зўравонликка чек қўйишга ҳаракат қилмоғи керак. (Жалолиддин Давоний)

3.3. Юксак мартабалару дунёнинг бойлиги, мол-мулклар йўқолиб ва ўзгариб туради. Бу фикрдан шундай хулоса келиб чиқади: инсон авлоди ва бу фоний дунё аҳолисидан хотира сифатида ёдгорликлардан бошқа ҳеч нарса қолмайди. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

2. Қуйидаги мисолларнинг қайси бирининг бевосита исботлашга, қайсиниси билвосита исботлашга оид эканлигини аниқланг:

2.1. Илм билан амалиёт туз билан таомга ўхшайди. Кимда мана шу икки нарса мавжуд экан, ундай одам тўла маънода доно ҳисобланади. (Чунки) овқатни тузсиз истеъмол қилиш мумкин, тузни эса таомсиз ишлатиб бўлмайди. (Мажид Хавофий.)

2.2. Ҳамма одамлар хато қиладилар. Ҳеч қачон хато қилмаган одамни топиб бўлмайди.

2.3. Ҳусайн Воиз Кошифий футувват тариқатига мансуб бўлган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар берилган. Унинг “Футувватномаи султония” асарида футувват аҳллариининг одоб қоидалари ёзилган.

3. Қуйидаги исботлаш ва рад этиш ҳолларида қандай хатоларга йўл қўйилганлигини кўрсатинг:

3.1. Суд жараёнида адвокат судланувчининг ўғирлик қилмаганлигини, чунки у кўрқоқ, журъатсиз, тортинчоқ бўлиб, оиласи ва болалари уни яхши кўришларини айтиб, судланувчини оқлашларини сўради.

3.2. Агар бирор телесериал кўп телетомашабинларни экран қаршисида тўпласа, унда унинг бадиий даражаси юқори бўлади. Лотин Америкасининг сериаллари кўп телетомашабинларни экран қаршисида тўплайди. Демак, уларнинг бадиий даражаси юқори.

3.3. Бу одамнинг қон босими баланд, чунки унинг юзи қизариб кетди.

3.4. Бу одам мантикий фикр юритмайди. У мантиқ фанининг таърифини айтиб беролмади.

3.5. У хонадан чиқиб кетгандан сўнг телефон ўғирланганлиги маълум бўлди. Демак, у телефонни ўғирлаган.

4. Қуйидаги софизмларни мантикий таҳлил қилинг:

4.1. “Кал” софизми.

-Агар одамнинг бошидан бир дона соч толаси тўкилса, у кал бўладими?

-Йўқ.

-Ўн дона тўкилса-чи?

- Кал бўлмайди.

-Биттадан бошдаги ҳамма сочлар тўкилгандачи?

-Унда кал бўлади.

-Сен ўз сўзингга ўзинг қарши чиқаяпсан. Ҳозиргина битта сочи тўкилса кал бўлмайди деган эдинг.

4.2. Ўқитувчи ўқувчисининг оқил бўлишини ва жохил бўлмаслигини хоҳлайди. Демак, у ўқувчисининг ҳозирги ҳолатида бўлишини хоҳламайди, ҳозирги ҳолатига зид ҳолатда бўлишини хоҳлайди. Бундан маълум бўладики, у ўқувчисини борлиқдан ноборлиқ ҳолатига ўтишини, яъни ўлимини хоҳлайди.

5. Қуйидаги муҳокамалардаги мантикий хатоларни аниқланг, унинг келиб чиқиш сабабини топишга ҳаракат қилинг.

5.1. ”Сартарош”. Бир қишлоқда фақат биргина сартарош бор экан.

Қишлоқдаги қабул қилинган қонунга кўра у ўзи соқолини ололмайдиганларнинг соқолини олиши керак. Савол келиб чиқади: сартарошнинг соқолини ким олади?

5.2. “Миссионер”. Бир миссионер каннибал (одамхўр)лар орасига тушиб колибди Каннибаллар уни қандай қилиб ейиш масаласида бахслашиб колишибди. Баъзилари қовуриш керак деса, бошқалари қайнатиш керак дебди. Ўзаро келиша олмай бир қарорга келишибди Улар миссионерга: “Сен бирор гап айтгин. Агар гапинг тўғри бўлса, сени қайнатиб, нотўғри бўлса, қовуриб еймиз” - дейишибди. Миссионер уларга “Мени қовуриб ейсизлар”- деб жавоб берибди.”

5.3. “Тоза оқ варақни тасвирлаш”. Сизга бир варақ оқ қоғоз бериб, шу қоғознинг ўзига уни тасвирлаш вазифаси топширилди. Сиз: “Бу тўғри тўртбурчак шаклидаги ёғочдан махсус ишлов берилиб тайёрланган оқ қоғоз”-деб ёздингиз. Нима деб ўйлайсиз, вазифани бажара олдингизми?

МАШҚЛАР

1. қуйидаги индукутив хулосаларнинг чин ёки хатолигини аниқланг:

1.1. душанба куни ҳаво очик бўлди.

сешанба куни ҳаво очик бўлди.

чоршанба куни ҳаво очик бўлди.

демак, хафтанинг охиригача ҳаво очик бўлади.

1.2. бақлажон – сабзавот, бодринг– сабзавот, қовоқ– сабзавот, пиёз– сабзавот. бақлажон, бодринг, қовоқ, пиёз – полизда ўсади. демак, полизда ўсадиганлар- сабзавотлардир.

1.3. бир ойда иккита якшанба жуфт санага тўғри келди. қолган иккита якшанба ҳам жуфт санага тўғри келади.

1.4. тушириб қолдирилган сонни топинг:

6, 10, 18, 34, ?

$(6 \times 2 - 2 = 10)$

2. қуйидаги хулосалар илмий индукциянинг қайси методлари асосида ҳосил қилинган?

2.1. кимё лабораториясида таркибида темир, мис, кадмий, симоб бўлган реактивлар билан тажриба ўтказилаётган эди. тажриба ўтказётганларнинг баъзилари захарланиб қолдилар. таркибида симоб бўлган барча материаллар тажрибада ишлатилмайдиган бўлди. шундан кейин бошқа ҳеч ким захарланмади.

2.2. касалхонага турли ёш ва жинсга мансуб бир неча бемор бир хил ташхис билан олиб келинди. шифокор беморларни текшириб уларнинг ҳаммаси қўзиқорин истеъмол қилганлигини аниқлади. касаллик захарли қўзиқорин истеъмол қилиш оқибатида пайдо бўлган экан.

2.3. харорат даражаси оширилса (бошқа шарт-шароитлар ўзгармаганда), металл стерженнинг бўйи узунлашади. демак, харорат

даражаси ва металл стерженнинг бўйи сабабий боғланган.

3. қуйидаги аналогияларнинг турини аниқланг:

3.1. нақл қилишларича шогирд устозига шундай дебди: мен вақтимнинг кўп қисмини ўйлашим керак бўлмаган нарсаларни ўйлаш билан, ҳохлашим керак бўлмаган нарсаларни исташ билан, мумкин бўлмаган ҳаёлларни орзу қилиш билан ўтказаяпман. устоз шогирдини сайрга таклиф қилибди ва унга бир ўсимликни кўрсатиб, номини сўрабди. шогирди ўсимликнинг номини айтиб, у кучли захарли ўт, уни еган одам ўлади, деб жавоб берибди. лекин бу ўсимликни истеъмол қилмасанг, уни кузатиш билан чеклансанг, у сенга зарар етказмайди,- дебди устози,- худди шунингдек, номақбул фикр ва истакларга сени махв этишга йўл қўймасанг, улар сенга ҳеч қандай зарар келтирмайди.

3.2. имом ғаззолий “кимийи саодат” асарида дил(қўнгил)ни бадан мамлакатининг подшоҳи, ақлни эса унинг вазирига қиёслаб, “подшоҳ - дил вазир -ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир ақлга бўйсундирса, бадан мамлакати (инсон-ф.д.) саодатга эришади. агар дил вазир ақлни шаҳват ва ғазаб илгида асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир”- деб ёзади.

3.3. абдурауф фитрат, муҳитнинг ахлоқийлик даражаси тарбиянинг самарали бўлишида хал қилувчи омил эканлигини таъкидлаб: “болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан(яъни атрофдан) оладилар,- деб ёзади, - бошқача қилиб айтганда болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одат-ахлоқини қабул қиладилар”

4. қуйидаги халқ мақоллари аалогиянинг қайси турини ифодалайди:

4.1. қора қўнғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим дейди.

4.2. арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди.

4.3. булбул чаманни севар, инсон ватанни.

4.4. айтилган сўз- отилган ўқ.

МАШҚЛАР

1.Қуйидаги хулоса чиқаришлар таркибидаги асосларни, хулосаларни ҳамда хулоса чиқариш турини аниқланг:

1.1. Идроклилар тез тушунадилар, идроксизлар тез тушунмайдилар.

1.2. Ҳамма геометрик фигуралар хажмга эга.

Ромб- геометрик фигура.

Ромб хажмга эга.

1.3. Илонлар заҳарли ёки заҳарсиз бўлади.

Кобра заҳарли илон.

Кобра заҳарсиз эмас.

2.Қуйидаги ҳукмларни айлантириш орқали бевосита хулоса чиқаринг:

2.1. Танлаган ҳунарини билиб олишга қунт билан киришганлар ҳунарни яхши эгаллай оладилар.

2.2. Ёлғон сўзловчи одамга ҳеч ким ишонмайди.

2.3. Баъзи йиғилишлар жуда қизгин ўтади.

2.4. Баъзи одамлар камтар эмас.

3.Қуйидаги ҳукмларни алмаштириш орқали бевосита хулоса чиқаринг:

3.1. Қалдирғочлар кузда иссиқ томонларга учиб кетадилар.

3.2. Тўғри одам эгри сўздан ор қилади..

3.3. Баъзи балиқлар сазандир.

3.4. Кўп кулишлик дилни ўлдиради.

4. Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали бевосита хулоса чиқаринг:

4.1. Ҳамма жисмлар кўламга эга.

4.2. Баъзи касалликлар юқумли эмас.

4.3. Вақтни қадрлайдиганларнинг ҳеч бири бекорчи эмас.

5. Мантикий квадрат ёрдамида қуйидаги ҳукмларга қарама-қарши, жузъий қарама-қарши, зид ва бўйсунувчи ҳукмларни ҳосил қилинг, уларнинг чин-хатолигини аниқланг:

5.1. Ҳамма одамлар хушфёълдир.

5.2. Баъзи талабалар интизомли.

5.3. Ҳеч бир хулоса асоссиз эмас.

6. Қуйида келтирилган мисолларда силлогизмнинг тўғри ёки нотўғри қурилганлигини, фигураси ва модусини аниқланг:

6.1. Ҳунарли одам хор бўлмайди.

Бу одам ҳунарманд.

Бу одам хор бўлмайди.

6.2. Ҳамма металллар электр токини ўтказди.

Сув электр токини ўтказди.

Сув металдир.

6.3. Қандолат маҳсулотларининг ҳаммаси ширин бўлади.

Баъзи қандолат маҳсулотлари чиройли безатилади.

Баъзи чиройли безатилган нарсалар ширин бўлади.

6.4. Ақлли одамларнинг ҳеч бири кўп гапирмайди.

Кўп гапирмайдиганлар яхши суҳбатдош бўлади.

Яхши суҳбатдошларнинг баъзилари ақлли одамлардир.

6.5 Ҳамма ҳикоялар насрий асар туридир.

Баъзи адабий жанрлар насрий асар эмас.

Баъзи адабий жанрлар ҳикоя эмас.

7.Куйидаги энтимемалардан тўла силлогизмни тикланг:

7.1. Имтиҳонларга пухта тайёрланганим учун аъло баҳо олдим

7.2. Ҳақиқий дўст сир сақлашни билади, у эса сир сақлашни билмайди.

7.3. Мантиқ фан бўлгани учун, ўзининг махсус атамаларига эга.

8.Куйидаги хулоса чиқаришларнинг турларини ва модусларини аниқланг:

8.1. Агар инсон сабрли бўлса, ўз мақсадига эришади.

Бу инсон сабрли.

Демак, у ўз мақсадига эришади.

8.2. Лемматик хулоса чиқариш дилемма ёки трилемма ёки полилемма кўринишида бўлади.

Берилган мисол дилемма эмас.

Унда трилемма ёки полилемма бўлади.

Берилган мисол полилемма эмас.

Демак, трилемма экан.

9.Куйидаги лемматик хулоса чиқаришнинг турини аниқланг:

9.1. агар фарзандлар ота-оналарини ҳурмат қилсалар, бир-бирларига ёрдам берадилар.

агар фарзандлар ота-оналарини ҳурмат қилсалар, аҳил бўладилар.

фарзандлар бир-бирларига ёрдам бермадилар ёки аҳил бўлмадилар.

улар ота-оналарини ҳурмат қилмадилар.

- 9.2. агар бу инсон виждонли бўлса, унда у ёлғон гапирмайди.
агар у жазоланишдан кўркса, унда ҳам ёлғон гапирмайди.
агар у ҳақиқатни билса, унда ёлғон гапирмайди.
бу инсон ё виждонли ё жазоланишдан кўрқади ёки ҳақиқатни билади.
бу инсон ёлғон гапирмайди.

10. полисиллогизмнинг турини аниқланг ва сорит кўринишига келтиринг:
китоблар-билим манбаидир.
қўлёзма асарлар - китобдир.
қўлёзма асарлар - билим манбаидир.
“донишнома” - қўлёзма асардир.
“донишнома”- билим манбаидир.

МАШҚЛАР

- 1.Қуйидаги ҳукмларнинг мантиқий эга ва мантиқий кесимини аниқланг:
- 1.1.Илм- бизнинг нарсалар ҳақидаги ҳақиқий тасаввуримиздр.
- 1.2.Тарбиянинг энг юксак самараси шахсни унинг ўз виждонига юзма-юз қилиб қўйишдир.
- 1.3.Онамиз қалбимизда абадий яшайди.
- 1.4. Китоблар билан хилватда ўтириш- нодонлар жамиятида бўлишдан яхшироқдир.
- 1.5. Ҳеч бир мавжудот абадий эмас.
- 1.6. Озчилик кўпчиликка бўйсунди.
- 1.7. Панднома асарларнинг баъзилари XI асрда ёзилган.
- 1.8. Интернетдаги баъзи маълумотлар ҳақиқат эмас.
2. Қуйидаги ҳукмларнинг миқдор ва сифатини ҳамда терминлари ҳажмини аниқланг:
- 2.1.Ҳеч бир истеъдод меҳнатсиз камол топмайди.
- 2.2. Баъзи санъат асарлари тарбиявий қимматга эга.
- 2.3. Ҳамма компьютерларнинг монитори бор.
- 2.4. Мусобақада қатнашганларнинг баъзилари совриндор бўлди.
- 2.5. Баъзи ўсимликлар шифобахш эмас.
- 3.Оддий ва мураккаб ҳукмларни ажратинг:

3.1. Биз яшаётган ХХІ аср-интеллектуал бойлик хукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. (И.Каримов).

3.2. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. (И.Каримов).

3.3. Хато қилмоқ одамга хос хусусиятдир. Хатосини англаб огоҳ тортган саодат эгасидир. Ўз хатосини эътироф этган одам бу хатодан халос бўла олади. Хато қилган ўзини қанчалик лоф уриб оқласа, хатоси шунчалик рўйирост кўринади. Унинг устига кибрланиб тортишув олиб борса, халқ орасида бадтарроқ расво бўлади. (А.Навоий.)

4.Қуйидаги ҳукмларнинг предикат характери бўйича қайси турларга мансублигини аниқланг:

4.1.Соҳибқирон Амир Темур буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди.

4.2. Мирзо Улуғбек Амир Темурнинг набираси бўлган.

4.3. Мирзо Улуғбек тузган астрономик жадвал “Зижи жадиди Кўрагоний” номи билан ўрта асрларда латин тилига таржима қилинган.

4.4. Беруний ва Ибн Сино Хоразмдаги Мамун академиясида фаолият кўрсатишган.

4.5. Кутубхонада ўзбек ва рус тилида мантиқ дарсликлари бор.

4.6. Кутубхона бинонинг биринчи қаватида жойлашган.

5.Қуйидаги мураккаб ҳукмларнинг турларини аниқланг ва формуласини ёзинг:

5.1.Кимки саҳоватли бўлса, шижоатга зарурият йўқ, чунки хайрли ишлар билан ўжар одамнинг муҳаббатини қозонса бўлади. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

5.2. Тинчлик тўғрисида сулҳ тузиш имкони бўлса, зинҳор урушга киришма. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

5.3. Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ғам қолмайди,(у холда) дунёда

тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар.
(Хусайн Воиз Кошифий)

5.4. Инсон фаолияти билим ва иш-ҳаракат билан белгиланади. (Жалолiddин Давоний)

5.5. Агар таълим-тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса, (мамлакат) ишлари бузилади. (Хусайн Воиз Кошифий)

5.6. Яшаш учун овқатланурлар, овқат ейиш учун яшамаслар.(Мажид Хавофий.)

6.Қуйидаги ҳукмларнинг модаллигини аниқланг:

6.1.Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак. (И.Каримов).

6.2. Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. (И.Каримов).

6.3. Орадан йиллар ўтиб, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун, ўйлайманки, кўп нарса аён бўлади.

6.4. Эҳтимол, келажакда бугун асоси яратилган лойиҳалар ўз самарасини беради.

7.Қуйидаги ҳукмлар ўзаро қандай муносабатларда эканлигини аниқланг:

7.1. Ҳамма ўсимликлар шифобахшдир. Баъзи ўсимликлар шифобахш эмас.

7.2. Ҳеч бир кислота ишқор эмас. Баъзи кислоталар ишқор эмас

7.3. Ҳамма жисмлар яратилган. Ҳеч бир жисм яратилган эмас.

7.4. Баъзи тушунчалар аниқ таърифга эга эмас. Баъзи тушунчалар аниқ таърифга эга.

8. қуйидаги ҳукмларни инкор қилинг:

8.1. икки карра икки беш бўлади.

8.2. сабрли ва қаноатли бемор тез тузалади.

8.3. араб ёки форс тилини билмаганлар қўлёзмалар фондидан фойдалана олмайдилар.

8.4. такаббур ва худбин одамлар эл назаридан четда қоладилар.

8.5. сув пастликдан тепаликка қараб оқади.

8.6. ҳаёли ва вафоли бўлмаганлар муҳаббатга сазовор бўлмайдилар.

МАШҚЛАР

1.Қуйидаги тушунчаларни умумлаштиринг:

а) А.Навоий; б) М.Бехбудий; в) Аристотел; г) ўзбек шоири; д) 2-аудитория;
е) Тошкент ; ж) Ўзбекистон Миллий Университети; з) ёз ёмғири; и) ош тузи;

к) драма; л) ўзбек халқ эртаги; м) конкрет тушунча; н) ялпиз; о) патир нон;

Тушунча тўғри умумлаштирилганми: пойтахт маркази, шаҳар маркази, шаҳар, пойтахт,аҳоли пункти.

2. Қуйидаги тушунчаларни чегараланг:

а) партия; б) санъат; в) файласуф; г) халқ қаҳрамони; д) ўсимлик; е) табиат ходисаси;

ж) таълим маскани; з) ахборот; и) қадрият; к) қонун; л) энциклопедия; м) тушунча;

н) машина; о) спорт.

Тушунча тўғри чегараланганми: уй, турар-жой, бино, ғиштли уй, шахсий уй.

3.Қуйидаги бўлиш амалларининг турини, таркибини, қайсилари нотўғри бажарилганлигини ва уларнинг сабабини аниқланг:

3.1.Ўзбекистон Республикаси 12 та вилоятга бўлинади.

3.2. Қонунлар табиат ва жамият қонунларига бўлинади.

3.3. Китоблар илмий ва диний мавзуларда ёзилади.

3.4.Давлатлар БМТга ва Европа Иттифоқига аъзо бўлганларга бўлинади.

3.5. Бурчаклар ўткир, ўтмас ва тўғри бурчакка бўлинади.

3.6. Фойдали дўст 3 та ва зарарли дўст 3 та. Фойдали дўстлар—ҳаққоний дўст, самимий дўст ва кўп эшитадиган дўстдир. Зарарли дўстлар—икки юзлама дўст, хушомадгўй дўст ва маҳмадона (лақма) дўст. (Конфуций.)

4. Қуйидаги тушунчаларни аввал тур белгисининг ўзгаришига кўра, сўнгра дихотомик бўлинг:

а) гап; б) дафтар; в) факультет; г) инсон; д) дарахт; е) тарбия; ж) дарслик; з) ахборот; и) журнал; к) қонун; л) луғат; м) илмий унвон; н) депутат; о) оммавий ахборот воситалари.

5. Қуйидаги таърифларнинг тури, таркиби, тўғри ёки хатолигини (сабабини кўрсатиб) аниқланг:

5.1. Тавба- бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир.(А.Навоий)

5.2. Ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилур. (А.Авлоний)

5.3. Камолга етган одамлар- ҳаёли, камол топмаганлар – нуқсонли ва ҳаёсиз.
(А.Навоий)

5.4 “Футувват” сўзининг луғавий маъноси ёшлик, демак ёш йигитни “фатий” дерлар. Баъзилар бу сўзга изоҳ бериб, футувватни жавонмардлик (жумардлик) деганлар. Истилоҳ (термин) сифатида футувват деб, омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, шу важданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади. Хос таъриф юзасидан эса футувват инсоний фитрат нури зухурининг нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборатдир. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

5.6. Саҳийлик- бу (бирор нарсани) бошқа кишига ҳеч қандай ёмонликни ниёт қилмай ва тамагирликни ўйламай ҳамда шу нарсанинг қайтарилишига умид боғламай тухфа қилишдир. (Мажид Хавофий)

5.7. Адолат – энг яхши фазилат, адолатсизлик эса, энг ярамас ва тубан хатти – ҳаракатдир. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

6. қуйидаги тушунчаларга номинал таъриф беринг: инновация, креатив, бакалавр, магистр, экология, гендер муносабатлар, диффузия, глобал, инвестор.

7. қуйидаги тушунчаларга реал таъриф беринг: математика, алгоритм, дўст, душман, муваффақият, қомусий олим, она.

Машқлар

1. Қуйидаги тушунчаларнинг муҳим белгиларини аниқланг:

а) биринчи ўқитувчим; б) аудитория; в) унумли иш; г) шоир; д) душман; е) инсон;

ж) шифокор; з) дўст; и) миллий ғоя; к) бурч; л) телефон; м) депутат; н) олим.

2. Қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини кенгайтиринг:

Шаҳар, дарслик, қонун, уй, университет, дин, чолғу асбоби.

3. Қуйидаги тушунчаларнинг хажмини кенгайтиринг:

Турин университети, тасаввуф, Пахлавон Маҳмуд, мантиқ луғати, Ўзбекистон Республикаси, кулолчилик.

4. Қуйидаги тушунчаларнинг мазмуни ва хажмига кўра турларини кўрсатинг:

Сариқ, очил дастурхон, Ўзбекистоннинг энг катта вилояти, барг, мардлик,

А.Навоий номли адабиёт музейи, грухимиз талабалари, нон.

5.Қуйидаги тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқланг ва уларнинг доиравий шаклини чизинг:

5.1.Геометрик фигура, учбурчак, тўртбурчак, квадрат, тенг ёнли учбурчак.

5.2.Сон, жуфт сон, тоқ сон, етти, туб сон..

5.3. Бобо, ота, ўғил, ўғил набира.

5.4. Ёзувчи, ўзбек ёзувчиси, А.Қодирий, А.Қаххор, “Меҳробдан чаён” романининг муаллифи.

5.6. фан доктори, юрист, депутат, “адолат” партиясининг аъзоси.

5.7. океан, денгиз, дарё.

5.8. дин, ислом дини, мусулмон.

5.9. захарли ўсимлик, захарсиз ўсимлик.

5.10. илмий адабиёт, диний, адабиёт, бадий адабиёт.

Машқлар

1.Қуйидаги фикрларнинг ноаниқ бўлишини, яъни айният қонунига зид эканлигини тушунтириб беринг:

1.1. Юнон афсонасида айтилишича, шоҳ Крез делфиялик башоратчидан: “ лашкарим билан Галис дарёсини кечиб ўтсам бўладими” - деб сўрабди ва “Агар Галис дарёси кечиб ўтилса, қудратли давлат йўқ бўлади”- деган жавобни олибди.. Крез қўшини дарёни кечиб ўтибди ва ҳақиқатдан ҳам қудратли давлат йўқ бўлибди. Бу Крезнинг давлати бўлган экан.

1.2.

2. Қуйидаги мулоҳазалар жуфтликларининг чин-хатолигини аниқлаш асосида нозидлик қонуни ва учинчиси – истисно қонуни талабларини тушунтириб беринг:

2.1. Фитрат “Раҳбари нажот” асарининг муаллифи.

Фитрат “Раҳбари нажот” асарининг муаллифи эмас.

2.2. Ҳамма инсонлар саҳоватлидир. Баъзи инсонлар саҳоватли эмас.

2.3. Ҳиёнаткорларнинг ҳеч бири виждонли эмас. Баъзи хиёнаткорлар виждонлидир.

2.4. Масала тўғри ечилган. Масала тўғри ечилмаган.

3.Қуйидаги муҳокамада асосланаётган фикрни ва унинг мантикий асосларини ажратинг, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатинг:

3.1. Ногаҳон ғам келса сенга, ўзни тут, бўлма тажанг,

Шукр қилгил, токи баттарроғига бўлма дучор.

Сен ишонгил, ғам ема, сабр айла , эй дил оқибат,

Шомдан тонг, кечадан кундуз келур, қишдан боҳор. (Ҳофиз Шерозий.)

3.2. Ҳар қандай тушунча муҳокаманинг натижасидир: муҳокама эса тажрибанинг натижасидир, тажриба эса сезги аъзоларимизнинг фаолияти туфайли қўлга киритилади. (Форобий.)

3.3 Қаерда...юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.(И.А.Каримов)

4. Қуйидаги ҳолатларда тафаккур қонунларидан қайси бирининг талаби бажарилмаганлигини аниқланг:

4.1 Ўқитувчи талабага: Бировнинг дафтарида кўчираётганини кўрмасам керак деб умид қиламан.

Талаба: Мен ҳам шунга умид қиламан.

4.2. Бемор шифокорга артрит касаллиги борлигидан шикоят қилди. Шифокор ундан сўради:

-Онангиз артрит касаллиги билан оғриганми?

-Йўқ.

- Отангиз-чи?

-Йўқ.

-Сизда артрит касаллиги йўқ, -деб, шифокор беморни кузатиб қўйди.

МАШҚЛАР

1.Қуйидаги мулоҳазаларга асосланиб тилнинг фикрлаш жараёнида тутган ўрнини изоҳлаб беринг:

1.1. Она тили - бу миллатнинг руҳидир (И.Каримов).

1.2.Билимли билимини тили орқали чиқармаса, унинг билими йиллаб ётгани билан зиё сочмайди. (Юсуф Хос Хожиб)

1.3.Одамзодни тил улуғлайди, уни бахтиёр қилади, шунингдек тил одамни бекадр ҳам қилади, унинг бошига балолар келтиради. (Юсуф Хос Хожиб).

1.4.Тил – тафаккур қуроли.Тилга палапартиш муносабатда бўлиш – палапартиш ноаниқ, тахминан, нодуруст фикр қилиш ҳамдир. (А.Толстой).

1.5. Яхши ёзиш – шу билан бир вақтда яхши фикрлаш ҳамдир, яхши ҳис-

туйғу ва яхши баён қилиш –бу ақл-идрок, қалб ва дидга эга бўлишдир.
(Ж.Бюффон.)

1.6. Билсанг, хуш гуфтор очавер,

Билмасанг жимжит кечавер,

Сўз ярасиндан қочавер,

Тиғ яраси битар-кетар.(Махтумқули).

2.Қуйидаги ифодалардаги дескриптив ва мантиқий атамаларни ажратинг:

а) махфий хабар, *б)* лекин, *в)* сифат.*г)* унинг орзуси- шоир бўлиш, *д)* фақат ва фақат шундагина, *е)* кенг ва ёруғ хона, *ж)* катта, думалоқ шиша буюм, *з)* ёки ҳеч қачон, *и)* агар мумкин бўлса, *к)* А.Навоий—А.Жомийнинг замондоши, *л)* ҳаракат, *м)* баъзи ходисалар, *н)* Аристотел—мантиқ фанининг асосчиси, *о)* йўқ.

3.Қуйидаги ифодалардан қайсиниси денотат (номнинг мазмуни), қайси бири концепт (номнинг маъноси)эканини аниқланг:

а) Тошкент—Ўзбекистон Республикасининг пойтахти;

б) Тафаккур қонунлари объектив характерга эга;

в) Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди;

г) Ҳамма металллар кислоталар билан реакцияга киришади;

д) “Донишнома” асарининг муаллифи—Абу Али ибн Сино;

е) Ер Куёш атрофида айланади;

ж) Хунарли эр хор бўлмас;

з) Оғир тошни сув элтмас.

и) Ҳеч кимни ёқтирмайдиган киши, ҳеч кимга ёқмайдиган кишидан бахтсизроқдир. (Ф.Ларошфуко.)

4.Қуйидаги фикрларни мулоҳазалар мантиғи тилида ёзинг:

4.1.Ақлни ўғри ҳам олиб кетолмайди, сув ҳам, олов ҳам нобуд этолмайди.(Кай Ковус.)

4.2. У ё ҳаммасини билади ёки ўзини билмасликка олади.

4.3.Агар меҳнат қилсанг ғамгинлик, иллат ва мухтожликдан ҳалос бўласан.

4.4. Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди.

4.5. Кишининг тили унга ҳам шуҳрат, ҳам бадномлик келтириши мумкин.

4.6. Қўлёзманинг муаллифи ё XV ёки XVI асрда яшаган.

МАШҚЛАР

1.Қуйидаги мулоҳазалар асосида тафаккурнинг муҳим хусусиятларини тушунтириб беринг:

1.1. Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу хис хайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб боради, демак, билимнинг чегараси йўқ..(Носир Хисрав).

1.2.Яхши мавзудаги тафаккур ўша яхшилиқни қилишга ундайди. Ёмонликдан афсус-надомат қилмоқ ўшандай ёмонликдан қочишга ундайди.(Абу Ҳомид Ғаззолий)

1.3. Одамзодда бўлса қачонки фикр,

 Ҳар нарсадан ибрат айлағай зикр.(Абу Ҳомид Ғаззолий)

1.4.Кўпгина бир-бирига ўхшамайдиган [нарсаларни] инсон битта ғояга келтира оладиган бўлганидан ҳам аниқроқ мушоҳада, тафаккур этиш усули бормикан? (Афлотун)

1.5.Ақл инсонни табиат асирлигидан суғириб олиб, уни эскирган иллатлар ва хурофотлардан озод қилувчи мутлақ қадриятлар томон бошлайди.

1.6 Бир томондан, ақл руҳий жазав ва эҳтиросларни назорат ва таҳлил қилувчи восита сифатида майдонга чиқса, иккинчи томондан – у уларни бузишга хавф туғдиради.

1.7.Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуяди, тафаккур эса уни ёритади. (Инглиз мақоли.)

2. Қуйидаги фикрларнинг қандай мантиқий шаклга эга эканлигини аниқланг:

2.1.Ақл ақлдан қувват олади. (Жалолоддин Румий)

2.2. Бу асар қизиқарли ёзилган, демак, китобхонлар уни севиб ўқийдилар.

2.3. Ақлли инсон, инсон ақлга эга, маъноли сўз, сўз маъносиз эмас, бунёдкор ғоя, сиёсий ва ахлоқий ғоялар, миллий-маънавий қадриятлар тизими.

2.4. Ақлли инсон ҳар бир сўзини, гапини ўйлаб гапирди. Демак, ҳар бир сўзини, гапини ўйлаб гапирмайдиганлар ақлли бўлмайдилар.

2.5. Ақл бўй билан ўлчанмас.(халқ мақоли)

2.6. Параллел чизиқлар кесишмайди, бу чизиқлар эса кесишади, демак,

улар параллел эмас.

3. Қуйидаги фикрларнинг формал жиҳатдан тўғри ёки хато қурилганини аниқланг:

3.1 Ҳамма шифокорлар олий маълумотли.

Акам олий маълумотли.

Акам шифокордир.

3.2. Ҳамма бастакорлар мусиқа чалишни биладилар.

Сардор Раҳимхон бастакор эмас.

Сардор Раҳимхон мусиқа чалишни билмайди.

3.3. Баъзи ўсимликлар захарлидир.

Ялпиз-ўсимлик.

Ялпиз-захарлидир.

3.4. Йўлбарс ўтхўр хайвон.

Қўй-йўлбарсдир.

Қўй-ўтхўр хайвон.

4. Қуйидаги мулоҳазалар асосида мантиқ илмининг предметини ва аҳамиятини тушунтириб беринг:

4.1. Мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш имконига эга бўлади. (Форобий.)

4.2. Йўсинсиз равишда хотирига келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди, --сўз—қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонида пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин. (А.Қодирий).

4.3. Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга одат қил. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади (Кай Ковус).

4.4. Агар сени биринчи марта алдасалар, бу сени алдаган кишининг айбидир. Агар сен ўзингни иккинчи марта алдашга имкон берсанг, бу сенинг ўз айбингдир. (Франсуз мақоли)

4.5. Фаросат (мантиқ) илми фойдаси нақд бўлган илмлардандир. Сен бу илмни билиб олсанг, у сенга кишиларнинг ўзлари яшириб юрган феълу атворларини билдиради. Мана шу фаросатнинг билдириши натижасида ўз билгинг билан унга бойланиб қоларсан, ё ундан юз ўгирарсан. Фаросат илми сенинг ўзингни аслингда бор бўлган инстинктив яратилмаларинг, ўзгартирилмаган табиатларингни кўз ўнгингга келтириб қўяди. Агар сенга фаросатнинг тузатувчи қўли тегса, сен жуда ўткир бўлиб кетасан. (Ибн Сино)

“ЧАРХПАЛАК” МЕТОДИ

Метод талабаларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда талаба ларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади талабаларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.

“ЧАРХПАЛАК” методини қўллаш тартиби:

- Ўқитувчи талабаларни методни қўллаш тартиби билан таништириб, уларни гуруҳларга ажратади.
- Гуруҳларга тарқатмали материаллар ва улар асосида топшириқлар берилади. Топшириқни бажариш учун вақт ҳажми (10-15 дақиқа) белгиланади. Аъзолар гуруҳ таркибида индивидуал равишда тарқатмали материалда кўрсатилган вазифани бажаради.
- Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди.
- Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади.
- Ҳар бир гуруҳ томонидан янги материал мазмуни ўрганилади ва ўзгартирилади.
- Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар яна бир бор бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади. Гуруҳлар ўртасида материалларнинг ўзаро алмаштириш уларнинг сонига кўра такрорланади.
- Гуруҳлар уларнинг ҳар бир аъзоси ўз ечимларини битта қутига йиғади. Материаллар сўнгги бор алмаштирилгандан кейин ҳар бир гуруҳ (ҳар бир талаба) ўзи бажарган ечимни гуруҳ рақами ва ўзига тегишли белги асосида танлаб олади.
- Ҳар бир гуруҳ ва унинг аъзолари ўзларининг ечимларини бошқа

гуруҳларнинг ишлари билан таққослаб, таҳлил қилади. Ўқитувчи жамоа ёрдамида тўғри жавобларни аниқлайди. Таҳлил асосида ҳар бир гуруҳ ва талабаларнинг фаолияти баҳоланади. Бир вақтнинг ўзида талабалар ҳам ўз-ўзини баҳолайди.

- Методдан барча турдаги ўқув машғулотида, машғулотнинг боши ёки охирида, муайян бўлим (боб) якунида, ўтилган мавзунинг такрорлаш чоғида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга метод талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, ўрганилган мавзуларнинг талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш ва баҳолашда ҳам самарали саналади.

Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги мавзусига “Чархпалак” методининг қўлланилиши.

Дарс мавзуси(семинар): Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Санъат ва унинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Дарснинг таълимий мақсади: Санъат эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам. Унда эстетик хусусиятлар бўртиб кўзга ташланади. Шунга кўра, уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётни инъикос эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетика бир томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. Иккинчи томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва тадбиқ этади. Учинчи томондан, эса санъат асарини англаш этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

Дарснинг тарбиявий мақсади: Фуқароларда юксак дид ва идеални шакллантириш эстетик тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифанинг залворли юкини аввал ҳам, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам чинакам санъат, адабиёт ва маърифат кўтаришига шубҳа йўқ. Санъат моҳиятан шахснинг хис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келганлигини таҳлил қилишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Санъат ва унинг турлари санъатнинг хусусиятлари ва вазифалари, бадий ижод жараёни, ижодкор ва англаш этувчи ҳамда санъат турларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда инсонга кўмак берувчи восита эканлигини англаш билан белгиланишини тушунтириб беришдан иборат.

Дарсда фойдаланиладиган метод “ Чархпалак ”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.

2. Талабаларни семинар машғулотининг мавзуси, мақсади ва бориши билан

таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очилади. Семинар машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда санъат ва унинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда эстетика фалсафий фан сифатида барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қилиши ҳақида маълумотлар беради.

“ЧАРХПАЛАК” методининг мавзуга қўлланилиши

Талабаларни сонидан келиб чиққан ҳолда 4 ёки бешта гуруҳга ажратиш ва қўйидаги жадвални бериш. Кичик гуруҳларда турли хилдаги ручкалар берилади Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига эса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди ва берилган рангли ручкада вазифани бажаради шу асосида гуруҳларни вазифалари бир-биридан ажралиб турилади. Жадвалдаги тушунчаларнинг маъносидан келиб чиқиб хусусиятлар, тамойиллар ва вазифаларга тааллуқлигини ручка билан ажратиб белги қўйиб чиқади. Талабаларга бериладиган жадвал қўйидагича:

№	Тушунчалар	Хусусиятлар	Тамойиллар	Вазифалар
1.	Демократик			
2.	Оригиналлик - ижодийлик			
3.	Хузурбахшлик			
4.	Ҳаққонийлик тамойили			
5.	Тарбиявийлик			
6.	Маъжозийлик			
7.	Фориғлантириш			
8.	Тарихийлик			
9.	Билимли, маърифатли қилиш			
10.	Миллийлик			
11.	Инсонийлаштириш			
12.	Ижтимоийлик			
13.	Ижтимоий алоқачилик			
14.	Халқчиллик			
15.	Умумбашарийлик			

“ЧАРХПАЛАК” методининг бажарилиши

	Тушунчалар	Хусусиятлар	Тамойиллар	Вазифалар
1.	Демократик	+		

2.	Оригиналлик - ижодийлик		+	
3.	Ҳузурбахшлик			+
4.	Ҳаққонийлик тамойили		+	
5.	Тарбиявийлик			+
6.	Маъжозийлик	+		
7.	Фориғлантириш			+
8.	Тарихийлик	+		
9.	Билимли, маърифатли қилиш			+
10.	Миллийлик	+		
11.	Инсонийлаштириш			+
12.	Ижтимоийлик	+		
13.	Ижтимоий алоқачилик			+
14.	Халқчиллик		+	
15.	Умумбашарийлик	+		

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Илмий билишнинг мантиқий структураси ва ривожланиши тўғрисидаги ҳозирги тасаввурлар. Т.Кун, Дж. Холтон, Ст. Тульмин, И. Лакатос, К. Поппер, П. Фейерабенднинг фан мантиғи концепциялари.
2. XVIII аср илмий революцияси ва мантиқий фани. Билишнинг табиат ва тараққиёти тўғрисидаги мантиқий системаларнинг пайдо бўлиши. Ф. Бэкон, Дж.Локк, Р. Декарт, Т. Гоббснинг мантиқий таълимотлари.
3. “Зиддият принципи” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
4. “Диалектик инкор принципи” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
5. Предметни ҳар томонлама ўрганиш принципи.
6. Тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги принципи.
7. “Мулоҳазаларнинг диалектик табиати” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
8. Гипотеза-назарий билимларнинг мавжудлиги ва тараққиётининг мантиқий шакли.
9. “Муаммо билишнинг мантиқий воситаси сифатида” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
10. Жавоб муаммони ҳал этишнинг мантиқий усули сифатида. Жавобнинг турлари.
11. “Илмий назариянинг эмпирик ва фалсафий асоси” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
12. Илмий назарияни куришнинг мантиқий принциплари.
13. “Илмий назария оламнинг илмий ва фалсафий манзарасини яратишнинг мантиқий асоси сифатида” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
14. Назарий билимларни фальсификация қилишнинг мантиқий мазмуни.
15. Ҳақиқат фикрнинг предметга тabora яқинлашиб бориши жараёни сифатида.
16. “Мантиқда тафаккур тарзи масаласининг қўйилиши. Илмий тафаккур тарзининг ўзига хослиги” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
17. “Билиш тараққиёти давомида тафаккур тарзининг ўзгариб бориши” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш
18. Диалектика илмий тафаккурнинг турли шакларининг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг мантиқий асоси сифатида.

V. ГЛОССАРИЙ

А

А – (лот. affirmo) – «тасдиқлайман» сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, формал мантиқда умумий тасдиқ ҳукми ифодаловчи символ

┐А (инкор А) – Математик мантиқда мураккаб мулоҳаза бўлиб, бу мулоҳаза, «А хато бўлгандагина тўғри бўлади ва аксинча, А тўғри бўлганда хато бўлади» деган фикрнинг символик ифодасидир. Масалан, бу предметнинг оклиги хато бўлса, уни оқ деган фикрнинг тўғрилиги хатодир, агар бу предметнинг оклиги тўғри бўлса, уни оқ деган фикрнинг хатолиги ҳақиқат эмас. Бу мулоҳаза «А эмас» ёки қаерда А хато бўлса, «А тўғри эмас» деб ўқилади.

┐┐А (қўш инкор А) – математик мантиқда икки марта инкорни англаиб, инкорни инкор тасдиқни билдиради. $A \equiv \neg \neg A$ (икки марта инкор $A \equiv A$ га тенгдир деб ўқилади). Масалан, «Бу киши илғор эмас деган гап тўғри эмас», деган фикрдан «бу киши илғор» деган фикр келиб чиқади.

$\forall A$ – математик мантиқда “учинчиси истисно” қонунининг символик ифодасидир. «А ёки А эмас» деб ўқилади.

Абсолют айнанлик – метафизик философияда ишлатиладиган термин бўлиб, бу таълимотга кўра предмет ҳамма вақт ўз-ўзига тенгдир. Бу принцип онтологик нуқтаи назардан воқеликка зиддир. Чунки нарса ва ҳодисалар ҳар доим ривожланиб туради. Демак, нарсалар ўз-ўзига тенг бўлмай қолади.

Абстракциялаш (лот. abstractio – узоқлашув, мавҳумлик) – тушунча ҳосил қилишнинг муҳим усуллари. Абстракциялаш ёрдамида буюм ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фикран ажратамиз ва уларни буюмлар, ҳодисаларнинг иккинчи даражали ва аҳамияти кам хусусиятларидан четлаштирамиз.

Абстракт тушунча – буюмларнинг айрим белгилари, муносабатларини фикран ажратиб, тушунчада акс эттирилиши. Масалан, «ботирлик», «тозалик» каби.

Абсурд – (лот. бемаъни, беҳуда) – бирор тезисни исботлашда учрайдиган мантиқий хато. Бундай хато (redictio ad absurdum) бирор мантиққа зид бўлган бемаъни хулосага келиш деб аталади.

Автоматик мантиқ – математик мантиқнинг махсус соҳаси бўлиб, дискрет бошқариш системаси ҳақидаги таълимотдир.

Агностицизм (грек. а – йўқ, gnosis – билиш, билиб бўлмайдиган) - дунёни билиб бўлмайди, деган таълимот бўлиб, унга кўра инсон нарсаларнинг моҳиятини билишга, улар ҳақида аниқ билимга эга бўлишга қодир эмасдир.

Ажратиб кўрсатувчи ҳукм – маълум белги фақат ўша предметга тегишли эканини кўрсатувчи ҳукм.

Айлантириш (лот. abversio) - бевосита хулоса чиқариш бўлиб, бунда тасдиқ ҳукм инкорга ёки инкор тасдиқ ҳукм ҳолига келтирилади. Айлантириш натижасида ҳукмнинг сифати ўзгаради, лекин мазмуни сақланиб қолади.

Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм – бир неча ҳукмлар ёки (v) боғловчи орқали мураккаб ҳукмни ташкил этади. Бу икки хил: қатъий айирувчи ва оддий айирувчи ҳукм кўринишда бўлади.

Айирувчи (дизъюнктив) силлогизм – катта асос айирувчи ҳукмдан, кичик асос ва хулоса эса қатъий ҳукмдан иборат бўлади, унинг икки хил модуси бор.

Айният қонуни (лот. лех *indentitatis*) - формал мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, бу қонунга кўра муҳокама жараёнида маълум предмет тўғрисидаги фикр ҳажм жиҳатидан барқарор муайянликни сақлаши керак. Бу қонун фикрни аниқ ифодалашни талаб қилади. Муҳокамада ҳар бир тушунча айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим. Унинг формуласи $A=A$ дир.

Аксиома (грек. *axioma* – қабул қилинган ҳолда) – маълум назарияни исботлаш учун исботсиз қабул қилинган тушунча. Мантиқ фанида аксиома исботсиз қабул қилинган ҳақиқат маъносида ишлатилади. У илмий назарияларнинг дедуктив хулосалар чиқариш ёрдамида ташкил топиш усулларида бири. Шунинг учун «дедуктив метод» ва аксиоматик метод кўпинча айнан тушунчалар сифатида ишлатилади.

Альтернатива (лот. *alternare* – алмашмоқ, навбат билан қилмоқ) – мумкин бўлган қарама – қарши икки ёки бир неча ҳолдан танлаб олиш зарурияти. Мантиқда айирувчи ҳукмнинг ҳар бир қисми альтернатива бўла олади.

Анализ ва синтез (грек. *analysis* – ажратиш, бўлиш ва қўшиш, бирлаштириш) Анализ ёрдами билан буюмлар, ҳодисалар фикран қисмларга бўлинади. Синтезда эса қисмлар фикран бирлаштирилиб, бир бутун ҳолига келтирилади.

Аналогия (грек. *analogia* – ўхшашлик, мослик) – икки буюмнинг бир ёки бир неча белгиларининг ўхшашлиги асосида бошқа белгиларнинг ҳам ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқариш.

Антитезис (грек. *antithesis* – қарама-қарши қўйиш) – тезисга қарама-қарши бўлган тезис.

Апагогик исбот (грек. *apagoge* – хулоса, *apagogos* – бурувчи, чиқарувчи) – воситали исботнинг бир тури бўлиб, тезиснинг тўғрилиги бевосита аргументдан (асосдан) келтирилиб чиқарилмайди, антитезиснинг хатолигини исботлаш орқали дастлабки тезиснинг тўғрилиги исботланади.

Аподейктик ҳукм ёки зарурий ҳукм (грек. *Apodeiktikos* – ишонарли, аниқ) – предикат ва субъектдаги белгини зарурий равишда тасдиқлайди ёки инкор қилади. Бундай ҳукмлар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зарурий муносабатни акс эттиради.

Апологетика (грек. *apologio* – ҳимоя, ҳимоя нутқи) – бирор нутқ ёки фикрни ҳимоя қилиш (Апология ҳам ана шундан келиб чиқади).

Аргумент (лот. *argumentum* – исбот асоси) тезисни исботлаш учун келтириладиган фикр. Бундай фикрнинг тўғрилиги амалиётда исботланган бўлиши керак.

Argument ad hominem – инсонга доир деган хатонинг лотин тилидаги ифодаси. Бирор тезиснинг исботи учун объектив воқелиқда исботланган

фикрларни келтириш йўли билан эмас, балки мазкур одамнинг ижобий ёки салбий томонини кўрсатиш орқали исботлаш усули.

Ассерторик ҳукм – мавжудлик ҳукми (лот. *assero* - тасдиқлайман) – қатъий ҳукмнинг бир тури бўлиб, предикат субъектдаги белгининг мавжудлигини тасдиқлайди ёки инкор қилади. Бу ҳукмда предикатларда у ёки бу белгининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги қайд қилинади, холос.

Атрибутив ҳукм (лот. *attributum* – белгиланган, бўлинган, қўшилган) – предикатда субъектга хос сифат ва хусусиятларни акс эттирувчи ҳукм.

Афоризм (грек. *aphroismos* – қисқа ҳикматли сўз) – у ёки бу фикрни қисқа, аниқ ва ишонарли, тугалланган шаклда баён этиш. Бундай фикрлар мураккаб нарсаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Бироқ, афоризм формал логик нуқтаи назардан тушунча таърифи бўла олмайди.

Аффирматив ҳукм (лот. *affermo* - тасдиқлайман) – тасдиқловчи ҳукмлар (умумий тасдиқ, жузъий тасдиқ, бу ҳукм баъзида аффирматик ҳукм деб ҳам юритилади).

Б

Barbara – силлогизмнинг биринчи фигураси ва биринчи модусини (ААА) ифодаловчи белги.

Бевосита ҳулоса чиқариш – бир асосдан чиқарилган ҳулоса.

Бирга бўйсунуш - тушунчалар ўртасидаги муносабат.

Бир доирада айланиш (лот. *circulus vitiosus*) – исботдаги етарли асос қонунини бузиш натижасида келиб чиқадиган мантиқий хато.

Бирлаштирувчи исбот – тўлиқ индукция йўли билан исботлаш айтилади. Бунда тезиснинг исботи учун бутун асослар бирлашган ҳолда амалга оширилади. Унда ҳар бир асос мустақил исботланган бўлади.

Бутун ва бўлак – объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси, предмет ва уларнинг элементлари ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи фалсафий категория.

Бўлиш қоидалари – формал мантиқда тушунчаларни бўлишнинг қуйидаги қоидалари:

- 1) бўлиш тенг ҳажмли (мутаносиб) бўлмоғи керак;
- 2) бўлишнинг бир ва муҳим асоси бўлмоғи керак;
- 3) бўлинмалар бир – бирини истисно қилмоғи керак;
- 4) бўлишда сакраш бўлмаслиги керак.

В

Версия – (лот. *versio* – айлантириш, бошқа шаклга келтириш; франц. –*versio* – таржима, изоҳлаб бериш) – бирон факт, ҳодиа ва воқеанинг бир-биридан фарқ қилувчи бир неча турини тахминий изоҳлашга айтилади. Версия хусусий гипотезанинг бир туридир.

Воситасиз ва воситали исбот – Воситасиз исботда тезиснинг тўғрилиги бевосита асослар (далиллар) дан келиб чиқади. Воситали исботда эса тезиснинг тўғрилиги антитезиснинг хатолигини тасдиқлаш йўли билан

асослаб берилади. Масалан: Анинг жиноят қилмаганлигини исботлаш учун «фуқаро А. жиноят қилган» деган тезиснинг хатолигини исботлаш асосида биринчи тезиснинг тўғрилигини асослаймиз. Бу икки хил бўлади: апогогик воситали исбот (қ), айирувчи воситали исбот. Айирувчи воситали исботда бир неча имкониятдан биттадан қолгани хато эканини исботлаш йўли билан тезис асослаб берилади.

Г

Генезис (грек. genesis – келиб чиқиш) - маълум предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги фикр ҳамда мулоҳазаларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, туғилиши.

Генетик метод – предмет, ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини таҳлил қилиш асосида тадқиқ этиш усули.

Генетик таъриф – таърифланаётган буюмнинг келиб чиқишини кўрсатувчи таъриф.

Гипотеза – (грек. hypothesis – асос, принцип, фараз) – ҳали исботланмаган назарий фикр, фараз. Гипотеза маълум натижаларни туғдирган сабаб ҳақида қилинган фараздир. Гипотезани илгари суриш, асослаш ва исботлаш - илмий билишнинг ривожини учун зарур методдир. Гипотезанинг назарияга айланиши учун уни текшириш керак. Гипотезани текшириш натижасида: а) унинг эҳтимоллиги ортади; б) ҳақиқатлиги исботланади, назарияга айланади; в) гипотеза рад этилади. Барча назариялар гипотеза босқичини босиб ўтади. Гипотеза практикада исботлангандан сўнг ишонарли назарияга айланади.

Гипотетик – дедуктив метод – илмий текшириш усули воситасида даставвал ўрганилаётган предмет ҳақида бир неча гипотеза келтирилади. Келтирилган гипотезалар асосида дедуктив йўл билан хулоса чиқарилади. Бу метод бошқа методлар билан (анализ, синтез, индуктив ва б.) бирга қўллангандагина аҳамиятли бўлади.

Гносеология (грек. gnosis – билиш, logos - таълим) – билиш назарияси, философиянинг муҳим соҳаси:

generalisatio – (лот.) яккадан умумийга қараб умумлаштириш;

genus praximum – (лот.) энг яқин жинс;

gratis dictum – (лот.) беҳуда айтилган, чунки аргументлари йўқ, шунга кўра асосланмаган;

grosso modo – (лот.) тахминан, умумий тарзда баён қилмоқ.

Д

Дедуктив исбот - традицион мантиқда исботнинг шаклларида бири бўлиб, айрим, якка ҳукмлардан иборат бўлган тезиснинг умумий қоидаларига асосланиб исботлаш усули.

Дедуктив хулоса - умумий чин асослардан шу умумийликка кирувчи хусусийлик ва яккалик ҳақида янги билим берувчи хулоса шакли.

Дедукция (лот. deductio – хулоса чиқариш) – кенг маънода хулоса чиқаришнинг асосий усул ва тадқиқот методларидан бири.

Дезинформация - нотўғри ахборот бериш, одамларни чалғитиш, ёлғон хабар тарқатиш.

Декларатив (лот. *decloratio* – ариза, изоҳлаш) умумий қоидага асосланган, бироқ конкрет асосларга эга бўлмаган умумий тарздаги фикр.

Демагог (гр. *demagogos*) – сиёсат соҳасида ёлғон ваъдалар билан халқ оммаси олдида машхур бўлишга тиришувчи сиёсатдон.

Демагогия – халқ оммасига ёлғон ваъдалар бериб уларнинг ҳиссиётига таъсир этиш орқали сиёсатда муайян мақсадларни амалга ошириш усули.

Демонстрация (лот. *demonstratio* - кўрсатиш) – исботлаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, исботлашнинг қандай усулда амалга оширилишини ифодалайди.

Деонтик мантиқ – норматив тилнинг мантиқий тузилишини ўрганувчи мантиқ. Шунингдек, норматив тушунчалар ҳақидаги таълимот ҳамдир. Деонтик мантиқ модаллик мантиқининг бир қисми сифатида ҳам қаралиб, мантиқнинг «албатта», «рухсат этилган», «бефарқ», «тақиқланган» каби хусусиятларнинг функцияларини ўрганади. Деонтик мантиқ буйруқ формасидаги ифодаларни ўрганади.

Деонтик модаллик – «албатта», «рухсат», «барибир» каби модаллик усулларини ўз ичига олган фикрларга характеристика беришдан иборат. Деонтик модаллик ҳуқуқшунослик, этика каби фанларнинг ҳам ўрганиш объектидир.

Деструктив дилемма (лот. *destructivus* – рухсат берувчи) - Оддий ва мураккаб кўринишда бўлади.

Детерминизм ва индетерминизм (лот. *determinare* – белгилаш, аниқлаш) – ҳодисаларнинг замонда ўзаро алоқадорлик характери ҳақидаги қарама-қарши нуктаи назарлар. Детерминизм ҳодисалар ўртасида умумий қонуниятли алоқа борлигини эътироф этади. Индетерминизм қонуниятли алоқа борлигини инкор этади.

Дефиниция (лот. *definitio* - таъриф) – тушунчани таърифлаш.

Диалектика (грек. *dialegomai* – суҳбат олиб бормоқдаман, муҳокама қилмоқдаман) – ривожланиш тўғрисидаги фалсафий концепция. Воқелик ҳодисалари уларнинг ички ривожиди, зиддиятлар тақозоси билан юз берадиган ўз ҳаракатида деб ўргатадиган билиш назарияси ва методи.

Диалектик мантиқ – тафаккур ҳаракатининг умумий қонунлари ва формалари ҳақидаги фикр билан объектив реалликни билиш йўллари тўғрисидаги, яъни фалсафий категорияларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этувчи фан.

Дилемма (грек. *di* – икки марта; *lemma* – гап, иккиланган гап) – шартли-айирувчи силлогизмнинг шаклларида бири.

Дискуссия (лот. *discussio* – текшириш, таҳлил қилиш) – бирорта муаммони муҳокама қилиш, у бўйича баҳс, тортишув, мунозара қилиш.

Диссидент (лот. *dissident* – ихтилоф, кўнмаслик) – ихтилофчи, бузғунчи.

Дистант – (лот. *distatio* - оралик), логик қарама-қаршилик бир предмет, ходиса тўғрисида айтилган фикрга бир неча вақт ўтгандан сўнг қарама-қарши фикр айтиш.

Дихотомик бўлиш (грек. *dicha* – ва, *home* – икки қисмга ажратиш) – тушунчаларнинг ҳажмини иккита бир-бирига зид бўлган қисмга мантиқан бўлиш.

Догма (грек. *dogma* – фикр, таълимот) – қандай конкрет шароитда қўлланилишидан қатъи назар танқидий кўз билан текширилмай, кўр-кўрона қабул қилинувчи ўзгармас қоида, ақида.

Доминант (лот. *dominatio* - ҳукмрон) – ҳукмрон ғоя, бирон нарсанинг бош, сабаби, асосий томони.

Dictum de omni et nulla (лот.) - Силлогизм аксиомасининг лотинча қисқартирилган формуласи. Таржимаси: ҳамма нарса тўғрисида айтилган ва ҳеч нима. Тўла матни: маълум синфга мансуб ҳамма предметлар тўғрисида тасдиқ ёки инкор шаклида айтилган фикр, шу синфга кирувчи айрим предметларга ҳам тегишлидир.

Dictum factum (лот.) – айтилган, демак бажарилган.

Disrepant facta cum dictis (лот.) - далиллар сўзларга мос келмайди.

Displicuit nasus tuns (лот.) – объектив эмас, балки бирор кишига қарши субъектив баҳо бериш (сўзма-сўз таржимаси: сенинг башаранг ёқмайди).

Divicio (лот.) – бўлиш.

Dostus cum libro (лот. тили билан фикрловчи) – мустақил ҳолда фикр айтишга қўрқувчи одам.

Dubium (лот.) – иккиланиш, шубҳа.

Е

Е – лотинча *negō* – инкор қиламан сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, умумий инкор ҳукмининг символик ифодаси.

Етарли асос қонуни (лот. *lex rationis determinantis siue sufficientis*) - формал мантиқ қонунларидан бири бўлиб, унга кўра ҳар қандай чин фикр исботланган бўлиши, тўғрилиги исботланган бошқа бир фикрга асосланиши керак.

Eadem aberrare cnorda (лот.)-хатони яна ўша жойидан такрорлаш керак эмас.

Ж

Жинс – бир синфга кирувчи предметларнинг мантиқий тавсифи бўлиб, бу синф ўз ичига бошқа тур синфларни қамраб олади. Масалан: “дарахт” тушунчаси мевали ва мевасиз дарахтларга нисбатан жинс бўлиб, унга кирувчи “мевали”, “мевасиз” лар дарахтнинг турларидир.

“Жинс ва тур” тушунчалари - уларда ҳажми катта тушунча унга бўйсунадиган ҳажми кичик тушунчага нисбатан жинс ва аксинча, ҳажми кичик тушунча у бўйсунувчи ҳажми катта тушунчага нисбатан тур тушунча бўлади.

Жузъий гипотеза – гипотезанинг тури бўлиб, у айрим олинган фактлар асосида таҳлил қилинади. Аммо бунда айрим ҳодисаларнинг сабаби таҳлили берилади, холос. Шунга кўра у ҳодисаларнинг сабабини очиб берувчи умумий илмий гипотезадан фарқ қилади.

Жузъий ҳукм - синфга мансуб предметлар ёки улар белгиларининг бир қисми тўғрисида тасдиқ ёки инкор шаклида қилиб айтилган фикр. Масалан: Баъзи талабалар ҳаваскорлик тўғарагига қатнашади.

Жузъий инкор ҳукми – миқдор жиҳатидан жузъий, сифат жиҳатдан инкор ҳукмдир. Унинг формуласи: Баъзи $S - P$ эмас. Баъзи гуруҳларда ўзлаштирмайдиган талабалар йўқ. Латин тилида «O» ҳарфи билан белгиланади (Nego –инкор қиламан сўзининг иккинчи унли ҳарфи).

Жузъий тасдиқ ҳукм - миқдор жиҳатдан жузъий, сифат жиҳатдан тасдиқ ҳукм. Унинг формуласи: «Баъзи $S - P$ дир». Латин тилида «I» ҳарфи билан белгиланади (affirmo) – тасдиқлайман сўзининг иккинчи унли ҳарфи.

З

Зарурий хулоса чиқариш - дедуктив хулоса чиқаришнинг бошқача номи. Унда асос бўлиб келувчи ҳукмлардан хулоса муқаррар равишда келиб чиқади. Хулоса асосларда имплицит тарзда мавжуд бўлиб, ўша асослардан натижа ўз-ўзидан келиб чиқади.

Зарурий ҳукм - предмет ва унинг белгилари муқаррар равишда тасдиқланадиган ёки инкор қилинадиган ҳукм.

Зиддиятсизлик қонуни (лот. *lex contradictionis*) - формал мантиқнинг асосий қонунларидан бўлиб, у қуйидагича ифодаланади: айтиб берилган предмет ҳақида айрилган икки ўзаро бир-бирини истисно этувчи фикрлар айтиб берилган вақтнинг ўзида ва айнан бир нисбатда бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Масалан: «Помир – баланд тоғ». «Помир – паст тоғ». Булар бирданига тўғри бўлиши мумкин эмас. Унинг формуласи: $\neg (A \wedge \neg A)$. Формуланинг ўқилиши: A ва $\neg A$ эмас бир вақтда бўлиши мумкин эмас.

И

I – (лот. *Affirmo*) – тасдиқлайман сўзининг иккинчи унли ҳарфи бўлиб, у жузъий тасдиқ ҳукми ифодаловчи символ.

Идеал (грек. – *idea* – тарз, образ, тушунча) – камолот, айрим киши, гуруҳ, синфнинг интилиши ва хатти-ҳаракатини бирон-бир нарсада намуна қилиб белгилайдиган олий мақсад. Идеал математик мантиқда маъноси бўлмаган (жуда бўлмаганда бир элементга эга бўлган) тўплам бўлиб, грекча Δ ҳарфи билан белгиланади.

Идеализация - махсус абстракт идеаллаштирилган объектлар тузишни ифодаловчи илмий тадқиқот усули. Бу усул объектларни «соф шаклда» ўрганиш мақсадида қурилган фикрий конструкциялардан иборат бўлиб, у реал ҳолда учрамайди, аммо ўзининг бирон тимсолига эга: Масалан: геометрияда «нуқта», физикада «абсолют қаттиқ жисм» каби ва ҳоказо.

Идеология (грек. *idia* - тарз, образ, тушунча ва таълим) – ижтимоий

қарашлар ва ғоялар тизими. Унга сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, эстетик, диний атеистик қарашлар қиради. У ижтимоий онгнинг бир қисми бўлиб, ижтимоий борлиқ асосида вужудга келади ва ривожланади.

Идрок – айрим буюм ва ҳодисаларни яхлит ҳолда акс эттирувчи психик жараён.

Ижобий мантиқ – ҳозирги замон ноклассик мантиқ оқими бўлиб, фикрлаш жараёнида инкор этиш амалини қўлламайди. Унинг ўрнига импликация, конъюнкция, дизъюнкция ва эквивалентликдан фойдаланади.

Ижобий ва салбий тушунча – тушунчаларнинг мазмун жиҳатдан турлари бўлиб, ижобий тушунчада предмет ўзида мавжуд белги орқали ифодаланса, салбий тушунча ўзида йўқ белги ёрдамида ифодаланади.

Изчиллик – мантиқий тафаккурнинг асосий шартларидан бири бўлиб, фикрлаш жараёнида тартибни, яъни фикр оддийдан мураккабга қараб, ёки аксинча юритилишини талаб қилади,

Изчиллик билан бўлиш – тушунчани бўлишнинг асосий шarti бўлиб, бўлиш сакрашларсиз, тартиб билан амалга ошсин деб кўрсатади.

Илмий индукция – индуктив хулоса чиқаришнинг бир тури бўлиб, бунда бирор туркумдаги буюмларнинг айримларининг муҳим хусусиятлари, сабабий боғланишларини текшириш асосида уларнинг ҳаммаси тўғрисида хулоса чиқарилади.

Импликация (лот. *implicite* – узвий боғланган) – мантиқда икки оддий ҳукмнинг боғланиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб фикр. У «Агар, у ҳолда» боғловчилари билан ифодаланади. Символик белгиси: $A \rightarrow B$.

Имплицит (лот. *implicite* - ноаниқ) – предметларнинг ноаниқ, яширин мазмуни ифодаси. Бундай яширин тушунчалар тилда мустақил ифодага эга эмас, бироқ ўша нарса назарда тугилади, англашади, улар товуш ифодасига эга бўлса-да, бевосита фикрни билдирмайди, балки контекст воситасида ифодаланади.

Индивид (лот. *individuum* - бўлинмас) – айрим бўлинмайдиган якка, мустақил мавжудот. У якка тушунча маъносида ҳам ишлатилади.

Тушунчаларни чегаралаш натижасида бўлинмас якка тушунчаларга келамиз. Ушбу атама якка шахсга нисбатан, математик мантиқда эса айрим предмет, объектларни қисқача ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Индуктив исбот – исботнинг алоҳида бир тури бўлиб, ундаги тезис умумий ҳукмлардан, асослар эса жузъий ҳукмлардан иборат бўлади.

Индуктив мантиқ – мантиқнинг муҳим бир бўлими бўлиб, унда айрим асослардан умумий хулосалар чиқариш механизми ўрганилади. Математик мантиқда эса тўлиқ бўлмаган ахборотдан эҳтимоллик кўринишида улоса чиқаришга нисбатан қўлланувчи атама

Индуктив хулоса чиқариш – қ. индукция.

Индукция (лот. *inductio* – жузъийдан умумийликка) – хулоса чиқаришнинг асосий усул ва тадқиқот методларидан бири. Индуктив хулоса чиқариш билимнинг жузъий муҳокамалардан (ҳукмлардан) умумий мулоҳазалар, қоидаларга қараб ҳаракат қилишидир. Унинг тўлиқ ва тўлиқсиз индукция

турлари мавжуддир.

Инкор модус – шартли ва айирувчи силлогизмнинг инкор модуси.

Инкор ҳукм – бирор предметда бирор белгининг мавжудлигини рад этувчи ҳукм.

Исбот – бирор фикрнинг тўғрилигини амалий тажрибада илгари чинлиги тасдиқланган бошқа бир тўғри фикр воситаси билан асослаб бериш. Ҳар қандай исбот 3 қисмдан иборат бўлади: тезис, асос (аргумент) ва исботлаш усули (демонстрация).

Исботлаш қоидалари: - исбот тўғри бўлиши учун амал қилиш зарур бўлган қоидалар: Улар тезиснинг аргументлари ва исботлаш усули қоидаларини ўз ичига олади.

Й

Йўлдош ўзгаришлар методи – ҳодисаларнинг сабабли боғланишини ўрганувчи индуктив методлардан бири бўлиб, бу метод бўйича, агар бир ҳодисанинг юзага келиши ҳар сафар унга йўлдош бўлган иккинчи ҳодисани заруран юзага келтирса, демак бу ҳодисанинг биринчиси иккинчисининг сабаби эканлиги аниқланди.

К

Катта термин - силлогизмнинг катта асосида жойлашган термин бўлиб, у ҳулосанинг предикатидир.

Категория – (грек. *kategoria* – таъриф бериш, фикр айтиш) – объектив реалликдаги ҳодисаларнинг асосий хусусият ва қонунларини акс эттирадиган ҳамда даврнинг илмий-назарий муҳитини, тафаккурнинг характерини белгилаб берадиган умумий тушунчалар. Формал мантиқда эса категория умумлаштиришнинг чегараси ҳисобланади

Келиб чиқмайди - (лот. *non sequitur*) – исботдаги хатолардан бири бўлиб, бундай хато етарли асос қонунини бузиш натижасида келиб чиқади. Бу хатонинг моҳияти шундан иборатки, тезиснинг исботи учун келтирилган асослар тўғри, чин бўлса - да, бироқ у тезиснинг исботи учун етарли эмас. Шунинг учун бу «асослардан тезиснинг чинлиги келиб чиқмайди» деб аталади. «Кимки кўп исботлашга интилса, у ҳеч нарса исботламайди» (лот. *qui nimium probat, nihil probat*) – исботдаги хатолардан бўлиб, исбот жараёнида тезиснинг исботи учун жуда кўп асослар келтирилиб, бу асослар тезиснинг исботи учун етарли бўлибгина қолмай, балки ортиқча ҳисобланади.

Кичик термин – силлогизмнинг кичик асосида жойлашган тушунча бўлиб, у ҳулосанинг субъекти бўлиб келади.

Классификация – (лот. *classis* – туркум, *facio* - бажараман) предметларни муҳим белгиларига қараб туркумлаш. Бунда предметлар бир-бирига ўхшашлиги ва фарқига қараб синфларга бўлинади ҳамда жойлаштирилади. У табиий ва сунъий, илмий ва ёрдамчи турларга бўлинади.

Конструктив мантик – ҳозирги замон математик мантиғининг оқимларидан бири бўлиб, у воқеликни конструкция қилиш асосида ўрганади.

Контраст – (фран. *contracte* – кескин қарама-қаршилик) – бирор нарса-ҳодиса ўртасидаги кескин фарқ, қарама- қаршилик.

Кузатиш – бевосита идрок қилиш орқали нарса ва ҳодисаларни қандай бўлса, шундайлигича табиий асосда ўрганиш методи. Кузатиш ўзининг активлиги, мақсадга қаратилганлиги билан оддий идрокдан фарқ қилади.

Л

Лемматик хулоса – (грек. *lemma* - тахмин) – шартли-айирувчи силлогизм.

Логицизм – мантикни математика учун ҳал қилувчи деб ҳисобовчи оқимдир. Бу оқим тарафдорлари математикани мантик тушунчалари билан изоҳлаш мумкин деб қарайдилар. Логицизм тарафдорлари мантик билан математикани икки фан деб эмас, балки бир фаннинг ривожланишидаги икки босқич деб қарайдилар. Инглиз файласуфи Б. Рассел, немис математиги ва файласуфи Г. Фрегелар логицизмнинг асосчиларидир.

Логомахия – (грек. *logos* – сўз, *махе* - баҳс) сўзнинг маъносини аниқламасдан туриб баҳс юритиш. Терминларнинг маъносини билмасдан ёки аниқламасдан туриб баҳс қилинганда икки томон ҳам ҳақ бўлиб чиқиши мумкин. Чунки баҳслашувчи томонлар баҳс мавзуси учун бир сўз маъносининг бошқа-бошқа томонларини олган бўлишлари мумкин.

М

Мантик – (грек. *logos* – сўз, фикр, нутқ, ақл) тафаккур қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан. Мантикнинг предмети тафаккурдир.

Мантиқий квадрат – ҳукмлар ўртасидаги муносабатни эсда сақлаб қолиш учун фойдаланиладиган кўرғазмали диаграмма.

Мантиқий семантика ёки семантик мантик – (грек. *semanticas* – англатувчи, билдирувчи) – мантикнинг муҳим бир тармоғи бўлиб, тушунча, ҳукмда ифодаланган сўзлар маъносини ўрганади.

Мантиқий хато – тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, исботлаш жараёнида тафаккур қонуни ва шаклларини бузиш натижасида келиб чиқадиган хато.

Мантиқий қарама-қаршилик – фикрлаш жараёнида Нозидлик қонунини бузиш натижасида келиб чиқадиган чалкаш муҳокама.

Мантиқий қонунлар – тўғри тафаккур қонунлари.

Мантик қонунлари – инсон тафаккурига хос қонунлар. Мантик қонунлари объектив оламнинг инсон онгидаги инъикосидир. Формал мантикнинг тўртта асосий қонуни бор: айният, нозидлик, учинчиси истисно, етарли асос қонунлари. Бу қонунлар тўғри фикрлашнинг зарурий шартидир.

Математик мантик – математиканинг бир йўналиши бўлиб, у фикрлаш жараёнини ўрганишга математик методни қўллайди. Математик мантик формал мантик ривожининг янги босқичи бўлиб, у анъанавий мантикдан сўнг мустақил соҳа бўлиб майдонга келди.

Модус (лот. *modus* – усул, ўлчов) формал мантикда силлогизм фигураларидаги ҳукмларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан бирлашган турлари.

Мураккаб ҳукм – мантиқий боғловчилар орқали боғланган икки ва ундан ортиқ оддий қатъий ҳукмлардан ташкил топган ҳукм. Мураккаб ҳукмлар айирувчи, бирлаштирувчи, шартли ва эквивалент бўлади.

Муҳим белги – предмет ва ҳодисалар мавжудлиги учун зарур бўлган белги.

Мантиқий квадрат – ҳукмлар ўртасидаги муносабатни эсда сақлаб қолиш учун яратилган кўргазмали диаграмма

Н

Натижа – асосдан зарурий равишда келиб чиқадиган фикр. Шартли ҳукм қисмларидан бири: шартли айтилган қисм асос, шарт асосида вужудга келадиган қисм натижадир. Бир неча ҳукмдан чиқарилган хулоса ҳам натижа дейилади.

Nego – лот. «инкор қиламан» деган сўз бўлиб, биринчи унли ҳарфи (E), инкор ҳукмининг, иккинчи унли ҳарфи эса (O) жузъий инкор ҳукмининг символик ифодаси.

Неологизм (грек. neos – янги, logos - сўз) тилда пайдо бўлган янги сўзларнинг. Бу сўзлар инсон амалий фаолияти, илмий билимларининг ривожланиши асосида пайдо бўлади.

Ном – предмет, ҳодиса, жараёнларнинг тилдаги ифодаси. Ном якка предметларни (Тошкент, Аал- Хоразмий), бир гуруҳ предметларни (халқ, ўрмон), ҳодиса ва жараёнларни (тинчлик, сезги) акс эттириши мумкин. Ном проблемаси билан мантиқ **фанидада Г. Фреге батафсил шуғулланган.**

Номинал таъриф – (лот. definitio nominalis) – тушунчада ифодаланган сўзнинг маъносини аниқлаш. Номинал четдан кирган сўзларнинг маъносини аниқлаш, илмий айланмага янги терминлар киритиш учун ҳам ишлатилади.

Номуҳим белги – предметнинг мавжудлиги учун зарур бўлмаган белги.

Non causa pro causa – (лот. унинг сўзма-сўз таржимаси: “Сабабдан эмас, сабаб учун” демакдир). Бу “Кетма-кет келган нарсаларнинг барчаси сабаб ва оқибат бўлади” деган хатонинг лотинча номи. Масалан: кун тундан кейин келади. Лекин бундан тун куннинг сабаби экан деган маъно асло келиб чиқмайди.

О

О – лотинча «Nego» (инкор қиламан) сўзининг иккинчи унли ҳарфи бўлиб, у жузъий инкор ҳукмини символик тарзда ифодалайди.

Объект (лот. objectum - предмет) – айна пайтда онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган, бизнинг онгимиз предмети бўлган нарса ва ҳодисалар.

Объектив мантиқ – онгимиздан ташқарида бўлган реалликнинг ривожланиши, алоқаси, муносабати. Субъектив мантиқ ана шу объектив оламнинг инсон онгидаги инъикосидир.

Объектив реаллик – инсон онгидан ташқарида турувчи табиат, жамият, бутун моддий дунё ва унинг турли томонлари, инсоннинг ўзи, англаш қобилияти, унинг табиат ва бошқа одамлар билан муносабати.

Объектив ҳақиқат – билимларимизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган мазмуни унинг воқеаликка мос, адекват келишидир. Ҳақиқатнинг мазмуни эса онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир.

Оддий ҳукм – бир субъект ва предикатдан иборат бўлган ҳукм.

Оммавий индукция – тўлиқсиз индукциянинг бир тури бўлиб, у оддий кузатиш йўли билан кундалик ҳаёт тажрибаси асосида чиқарилган хулосалардир. Бу индукция турида нарсаларнинг ички моҳияти асосида эмас, балки бевосита кўзга ташланиб турган белгилар асосида ҳосил қилинади. Шунинг учун у зид ҳоллар учрамаган тақдирдагина тўғри бўлади.

Омонимлар – шаклан бир хил, аммо мазмунан бир неча тушунчани ифодаловчи сўзлар.

Оператор – символ ёки символлар комбинацияси бўлиб, у мантиқий шакл ҳосил қилиш учун **ишлатилади**.

Остенсив таърифлаш –(лот.ostendere - кўрсатмоқ) -предметни бевосита кўрсатиш орқали таърифлаш.

II

P - (лот. praedicatum) – “кесим” сўзининг биринчи унли ҳарфи бўлиб, у ҳукм предикатининг символик ифодасидир. Силлогизм хулосанинг предикати бўлиб келгани учун катта термин ҳам P ҳарфи билан белгиланади.

Парадокс (грек. para – қарши ва doxa - фикр) – кутилмаган, одатдан ташқари ажойиб фикр бўлиб, маълум ҳукмрон ва кундалик фикрларга, ҳатто росмана фикрга қарама-қарши бўлган мулоҳазадир. Формал мантиқда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хулоса бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи чин (тўғри) ёки хато деб қараладиган фикрга парадокс дейилади.

Предикат (лот. praedicatum - кесим) – ҳукмда предметга хос белгини ифодалайди. Предметдаги белгини мантиқий боғловчилар орқали тасдиқ ёки инкор шаклида кўрсатади.

Petitio principii (лот.) – тезиснинг исботи учун келтирилган асос тўғри, чин, етарли бўлса-да, унинг исботи учун яна қўшимча далиллар келтириш асосида келиб чиқадиган хатонинг лотинча номи бўлиб, “асосни ошириб юбориш” хатоси деб аталади.

Ponendo tollens – (лот.) – айирувчи-қатъий силлогизмнинг «тасдиқлаш йўли билан инкор қилиш» модусининг лотинча номи.

Ponens (лот.) – шартли силлогизмнинг “тасдиқ” модусининг лотинча номи.

P

R (лот. relatio) – муносабат сўзининг биринчи ҳарфи бўлиб, ҳукмлар ўртасидаги муносабатнинг символик ифодасидир. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатнинг формуласи қуйидагича: $a R b$ (a ва b ҳукми ўртасида R муносабат бор деб ўқилади).

Раддия – бирор тезиснинг нотўғрилиги ёки асоссизлигини исботлайдиган мантиқий усул.

Рационализм (лот. rationalis - ақлий) – билиш назариясида ақлни ҳақиқий билимнинг бирдан бир манбаи деб ҳисобловчи оқим.

С

S (лот. subjectum) – субъект сўзнинг биринчи ҳарфи бўлиб, у ҳукмдаги мантиқий эганинг символик ифодасидир. Силлогизмда хулоса субъекти кичик термин ҳам S ҳарфи билан ифодаланади.

Сабаб ва оқибат – (лот. causa - сабаб) – бошқа бир ҳодисани заруран вужудга келтирувчи сабаб натижасида юзага келган бошқа ҳодиса оқибат деб аталади.

Сигнал – (лот. signum - белги) – бирон-бир маълумот берувчи шартли белги.

Силлогизм - (грек. sullogismos – ҳисоблаб чиқармоқ) – хулоса чиқаришнинг дедуктив усули бўлиб, унда икки қатъий ҳукмдан янги бир қатъий ҳукм – хулоса ҳосил қилинади. Бунда ўрта термин асосларни мантиқан боғлайди, кичик ва катта терминлар боғланиб, хулоса ҳосил қилади.

Силлогизм аксиомаси – «Буюмларнинг бутун туркуми тўғрисида тасдиқ фикр айтилса, шу туркумдаги айрим бир бўлак тўғрисида ҳам тасдиқ (ёки инкор) айтилади».

Силлогизм таркиби - икки асос, хулоса, уч терминдан иборат.

Силлогизм фигураси – ўрта термин жойини алмаштириш йўли билан силлогизмнинг турли шакллари ҳосил қилишдан иборат бўлган мантиқий усул. Ўрта термин ўрнини алмаштириш йўли билан тўрт хил фигура ҳосил бўлади.

Символика – маълум объект, шунингдек, фикр, ғоя, ҳиссиётни ифода этувчи белгилар системаси.

Символик мантиқ – маълум фикр ва унинг шакллари, муносабати, термин, предикат ва субъектларининг ёлғон ёки чинлиги, мантиқий функцияларини белгилар системаси билан ифодалаб ўрганувчи таълимот. У символик тарзда қуйидагича ифодаланади:

1. Пропозиционал ўзгарувчилар: p, q, r .

2. Мантиқий боғловчилар:

\wedge - конъюнкция (ва)

\vee – дизъюнкция (ёки)

$\dot{\vee}$ – қатъий дизъюнкция

\rightarrow - импликация (агар ... у холда)

\neg - инкор (йўқ, тўғри эмас)

\equiv - эквивалентлик (тенглик)

3. \forall – умумийлик квантори

\exists - мавжудлик квантори

4. Техник белгилари: (— сўл қавс,) — ўнг қавс ва б.

Сорит – мураккаб силлогизмнинг тури бўлиб, олдинги асоснинг предикати кейинги асоснинг субъекти бўлиб бораверади. Хулосада эса биринчи асоснинг субъекти охириги асоснинг предикати бўлиб чиқади.

Софизм – (грек. sophisma – ўйлаб чиқарилган, муғамбирлик) – мантик қонуни ва қоидаларини билиб туриб, уларни қасддан бузиш. Софистлар фикрни шакл жиҳатидан тўғри деб қарасалар-да, фикрлашдаги хатони ҳақиқат, чин деб қарайдилар. Улар кўпинча сўзларнинг кўп маънолигидан фойдаланиб, нисбийликни мутлоқлаштирадилар. Бироқ софистлар, қадимги Грецияда диалектикани ривожлантиришда «сўз устаси» ўқитувчилари сифатида катта роль ўйнаган.

Субъект (лот. subjectum) – ҳукмнинг мантиқий эгаси бўлиб, фикр қаратилган буюмни билдиради. Фалсафада дунёни билувчи шахс маъносида ҳам ишлатилади.

Схоластика (грек. schole – мактаб, лот. scholasticus - мактабий) – ҳаётдан ажралган, предметсиз, ҳавойи, маъносиз фикрлаш. Ўрта асрларда диний-фалсафий таълимот схоластика деб аталган.

Т

Тафаккур – воқеликни абстрактлаштириши ва умумлаштириб билишдан иборат бўлган инсоннинг ақлий, назарий фаолияти.

Тафаккур шакллари – объектив оламдаги энг умумий жараёнларнинг акс этиши асосида пайдо бўлган амалий фикрлашнинг тузилиши. У тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Тафовут методи – ҳодисаларнинг сабабли боғланишини текширувчи индуктив методлардан бири. У қуйидагича ифодаланади: агар ҳодиса бир ҳолда юз берса – ю, иккинчи ҳолда тафовут қилса, демак, худди шу ҳолатнинг ўзи ҳодисанинг сабабидир.

Таққослаш – буюм ва ҳодисаларнинг ўхшашли ва фарқли томонларини аниқлашга қаратилган мантиқий усул.

Таърифлаш – тушунчаларнинг мазмуни очиб берувчи таъриф икки асосий қисмдан: аниқловчи ва таърифловчи тушунчалардан иборат бўлади.

Таърифлашга ўхшаш мантиқий усуллар – 1) кўрсатиш; 2) тасвирлаш; 3) тавсифлаш; 4) ўхшатиш; 5) тафовутлаш; 6) таққослаш, мисол келтириб тушунтириш.

Тезис (грек. thesis – ҳолат, тасдиқ) – чинлиги исботланиши лозим бўлган фикр.

Термин (лот. terminus – охири, чегара) – I. Сўз ва сўзлар бирикмаси: масалан, «архитектура», «атом» терминлари. Белгилар ва уларнинг бирлиги ҳам термин бўлиши мумкин. Термин одатда тушунчанинг аниқ катъий номи маъносида ишлатилади.

II. Ҳукм ва силлогизмда иштироқ этган тушунчалар термин деб аталади. Ҳукмда субъект (S), предикат (P) терминлари бор. Силлогизмда катта (P), ўрта (M), кичик (S) терминлар мавжуд.

Традицион мантиқ – Арастуниги мантиқий таълимотига асосланади. Арасту силлогизм назариясига асос солди ва хулоса чиқаришнинг дедуктив методини ишлаб чиқди. Инглиз файласуфи Ф. Бэкон (1561 – 1626 йиллар) эса индуктив методни ишлаб чиқади. Шундай қилиб традицион мантиқ вужудга келган. **Трихотомия** (грек. triha – учга, toma - майдалаш) – тушунчалар ҳажмини учга бўлиш. Математик мантиқ ва аксиоматик назарияда тўпламнинг трихотомик аксиомаси мавжуд.

Тўлиқ индукция – индуктив хулоса чиқаришнинг тури бўлиб, бунда маълум бир ҳодисанинг барча ҳолларини тўла равишда ўз ичига оладиган асослардан умумий хулоса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукция – индуктив хулосанинг бир тури бўлиб, у текшириладиган ҳодисани эмас, балки айрим ҳолларинигина ўз ичига олади ва айрим предметларни ифодалаган асослардан хулоса чиқаради.

Тушунча – предметларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

Тушунчаларнинг асосий турлари – тушунчалар ҳажмига ва мазмунига кўра турларга бўлинади. Ҳажмига кўра яққа, умумий, бўш, тўпловчи ва айирувчи тушунчалар мавжуд. Мазмунига кўра эса: конкрет ва абстракт, нисбатдош ва нисбатсиз, мусбат ва манфий тушунчалар мавжуд.

Тушунчаларни бўлиш - тушунчалар ҳажмини қисм (тур) ларга ажратиш йўли билан аниқловчи мантиқий усул.

Terminum major (лот.) – катта термин

Terminum medius (лот.) – ўрта термин

Terminum minor (лот.) – кичик термин

Terminum non datur (лот.) – учинчиси керак эмас (учинчиси мустасно қонунининг лотинча номи).

У

Учинчиси истисно қонуни - Бир – бирига зид бўлган икки фикрдан бири ҳамиша тўғри (чин) бўлиб, иккинчиси хатодир, учинчиси бўлиши мумкин эмас. Унинг формуласи: $A \vee \neg A$. Формуланинг ўқилиши: А ёки А эмас

Ф

F – лотинча – falsitas – хато (ёлғон) сўзининг биринчи ҳарфи бўлиб, у математик мантиқда хато айтилган фикрни ифодаловчи символ.

Фалсафа (грек. phileo – севаман ва sophia - донолик) - дунёни тафаккурнинг борлиққа бўлган муносабати асосида ўрганувчи таълимот бўлиб, у инсоннинг жамиятдаги роли, унинг дунёқараши тўғрисида баҳс юритади.

Формаллаштириш – маълум объектнинг мазмунини унинг шакли орқали ифодаловчи илмий билиш методи

Формаллашган тил - формал мантиқда ишлатиладиган сунъий тил. У белгилар системасидан иборат бўлиб, бу системалар маънони аниқ ва тўлиқ ифодалаш учун ишлатилади. Гап тилда мустақил семантик маънога эга ва тугал фикрни англатади, тўлиқ тил белгисини ифодалайди.

Предикатлар мантиғи тилининг символик ифодаси қуйидагича:

1) a, b, c, \dots – якка, атоқли ёки тавсифий предметларнинг номи ифодаланган символлар – предметли ўзгармас (констант) деб аталади.

2) x, y, z, \dots – предметларнинг умумий номини ифодаловчи символлар предметли ўзгарувчанлик деб аталади.

3) $P^1, Q^1, R^1, P^2, Q^2, R^2, \dots P^n, Q^n, R^n, \dots$ – предикорларни ифодаловчи символлар (индекслар предикатлар жойини кўсатади: 1 – бир жойли; 2 – икки жойли; n – кўп жойли) уларни предикат ўзгарувчанлиги дейилади.

4) P, q, r, \dots пропозицион ўзгарувчанлик – гапнинг ифодаланишини билдирувчи символлар.

5) \forall, \exists - фикрларнинг миқдорий характеристикасини ифодаловчи символлар – квантор деб аталади. (\forall - умумийлик квантори: «ҳамма», «ҳар қандай», «ҳамма вақт» кабиларда ифодаланади. \exists - мавжудлик квантори: «баъзи», «бўлади», «учрайди», «мавжуд» кабиларда ифодаланади).

б) Мантиқий боғловчилар:

конъюнкция (бирлаштирувчи) - $\wedge(a \wedge b)$;

дизъюнкция (айирувчи) - $\vee (a \vee b)$;

импликация (агар ... у ҳолда) $\rightarrow (a \rightarrow b)$;

эквивалент (тенглик) $\approx (a \equiv b)$;

Инкор – $\neg (\neg a)$.

Формула – (лот. formula – шакл, қоида) – маълум белгилар ёрдамида фикрлаш жараёнининг қонун ва қоидаларини изчил равишда қисқа баён этишидир. Формула фикрлаш жараёни тўғрисида аниқ маълумот беради. Мантиқ фанида формулалар жуда кўп қўлланилади.

Fallacia accentus (лот.) - икки хил талаффуз қилишдан келиб чиқадиган мантиқий хато.

Fallacia accidentis (лот.) - предметларнинг муҳим белгиларини номуҳим белгиларига аралаштириб юбориш натижасида келиб чиқувчи мантиқий хато.

Falsum (лот.) – ёлғон, алдаш

Fata (лот.) – тақдир

Forte (лот.) – тасодиф, эҳтимол.

Э

ЭВМ – электрон ҳисоблаш машинаси сўзининг қисқартирилган номи, ҳисоблаш техникасининг муҳим тушунчасидир.

Эвристика (грек. heurisko - топиш) – янгиликни излаш қонунияти билан шуғулланадиган фан соҳаси бўлиб, у ёки бу муҳим муаммони ҳал қилишнинг қулай томонларини излаш билан шуғулланади.

Эзоп тили – метафора ва турли образлар, киноя ва қочирмалар орқали аччиқ ҳақиқатни айтиш (қадимги Грецияда яшаган философ Эзоп номи билан боғлиқ термин).

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнь “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

19. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
20. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
21. Falsafa. Axmedova M. Taxhiri ostida.-T.: UFMJ, 2006.
22. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
23. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
24. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
25. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. -T.: Sharq, 2005.
26. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
27. А.Маманов. Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар, С.: «Зарафшон» - 2015.-155 б.
28. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010 й.
29. Абдулла Шер. Эстетика. / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.
30. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.- 318 б
31. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. –

Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

32. Б.Хусанов. Бошқарув этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2017.

33. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

34. Бозаров Д. Синергетик парадигма. -Т.: Тафаккур, 2010. -160б.

35. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

36. Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадур.-Т.: Янги аср авлоди, 2016.-272 б.

37. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

38. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.

39. Иззетова Э., Пулатова Д. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012. 340-б

40. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

41. Л.А.Мухаммаджонова, Д.О.Ортиқова, Ф.А.Абиджанова, Г.К.Машарипова. Профессионал этика ва этикет.Дарслик. - Т.: "Адабиёт учкунлари" 2018 й.

42. Л.Мухаммаджонова,Ф.Абиджанова Этикет. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2018 й.

43. М. Каххарова, Н Агзамова. Этика Учебное пособие. Ризограф имени Низами. 2018 г.

44. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

45. Мухаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиджи. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2017.

46. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

47. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

48. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

49. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.

50. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013,720 б

51. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.-Т.: Ношир, 2017. 460-б.

52. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.

IV. Интернет сайтлар

53. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

54. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

55. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

56. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

57. <https://philpapers.org/> - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе

58. <https://plato.stanford.edu/> - Стэнфордская энциклопедия философии.

59. <https://elibrary.ru/> - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии